

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ

**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув
кафедраси**

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н » факултет декани _____ доцент. Х.Х.КАМОЛОВ « ____ » _____ 2015 йил		« Химояга рухсат этаман » кафедра мудири _____ доцент. О. ШЕРМАТОВ. « ____ » _____ 2015 йил
--	--	--

Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг
битирувчиси

АХМАДЖОНОВ ЭЛДОРБЕК ФУРКАТ ЎҒЛИНИНГ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини
модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режани тутган
ўрни.

БМИ раҳбарлари

Бажарувчи:

*ассистент А. Тўйчиев
и.ф.н.доц. М-А. Эшонов
Э. Ахмаджонов*

Андижон - 2015 йил

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув
кафедрасининг мудири

Доц. О.Шерматов _____
«_____» _____ 2015 й.

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг битирувчиси
Ахмаджонов Элдорбек Фурқат ўғлини битирув малакавий ишини бажариш учун**

ТОПШИРИК

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг «10 сентябрь» 2014 йилдаги № 275 - Ст сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИнинг мавзуси:** Кўргонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режаси туган ўрни.
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** «4» июнь 2015 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** БМИ кириш, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни ўтказишига оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, ҳамда Кўргонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишига ёрдам берадиган 12 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИни раҳбари	Бажариш муддати	Имзо
<i>Кириш</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>30.12.2014й</i>	
1 боб. Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режадан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти			
<i>1.1 Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>15.01.2015й</i>	
<i>1.2 Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг тутган ўрни</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>29.01.2015й</i>	
<i>1.3 Фермер хўжаликларини диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг техник-иқтисодий асослари</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>10.03.2015й</i>	
2.боб Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини иқтисодий ҳолати ва таҳлили			
<i>2.1 “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ-иқлим шароити</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>26.04.2015й</i>	
<i>2.2 Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>10.05.2015й</i>	
<i>2.3 Фермер хўжаликларида пахта ва дон маҳсулотлари етиштиришни агротехнологиясини таъкил этиши</i>	<i>катта ўқувчи Г. Ўринбоева</i>	<i>17.05.2015</i>	
3. боб Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида фермер хўжаликларини молиявий таъминлаш йўналишлари.			
<i>3.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини молиявий таъминлаш йўллари.</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>14.05.2015 й</i>	
<i>3.2 Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида лизинг хизматидан фойдаланиш</i>	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>28.05.2015 й</i>	
Хулоса ва таклифлар.	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>30.05.2015й</i>	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	<i>ассистент А. Тўйчиев</i>	<i>02.06.2015й</i>	

Топириқ берилган вақти:

«10» сентябрь 2014 йил

БМИ рахбари:

ассистент А. Тўйчиев.

и.ф.н.доцент М-А. Эшонов

Битирувчи:

Э. Ахмаджонов.

Мундарижа.

№	Мазмуни	Бетлар
1.	Кириш	5-9
2.	1-боб. Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режадан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамияти	10
	1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.	10-15
	1.2 Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг тутган ўрни.	16-22
	1.2. Фермер хўжаликларини диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг техник-иқтисодий асослари	23-31
3.	2-боб Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини иқтисодий ҳолати ва таҳлили	32
	2.1 “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ-иқлим шароити	32-39
	2.2 Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили	40-52
	2.3 Фермер хўжаликларида пахта ва дон маҳсулотлари етиштиришни агротехнологиясини ташкил этиш	53-59
4.	3-боб Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликларини молиявий таъминлаш йўналишлари.	60
	3.1 Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини молиявий таъминлаш йўллари	60-65
	3.2. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида лизинг хизматидан фойдаланиш.	66-72
5.	Хулоса ва тақлифлар.	73-75
6.	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	76-81

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиш омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлар ҳаракатини фаоллашув даражаси ҳисобланади. Ушбу фаоллашув юқори технологияларга асосланган янги иш жойлари яратиш, иш билан бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларини истеъмолчилар талабига мос рақобатбардош товар ва хизматлар билан тўлдириш кабиларда намоён бўлади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, асосий устувор вазифамиз «...иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир»¹. Иқтисодиётни эркинлаштириш даврида республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек фермерлар фаолиятини молиявий мустақиллиги, иқтисодий эркинлиги ва ҳаракатчанлиги ортиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш имконияти мустаҳкамланди.

Республикамызда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш масаласи биринчи навбатда, бу соҳани ривожлантиришнинг манбаси бўлган бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилаётган ресурслар ҳажмини кўпайтириш ва молиявий муносабатларини такомиллаштириш лозимлигини зарурат қилиб қўймоқда.

¹ Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 17 январь 2015 йил №-11.

Шу муносабат билан ҳозирги вақтда кичик қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари ва улар фаолиятини молиялаштириш жараёнидаги муаммоларни ҳал қилиш, банклар томонидан уларни кредитлаш фаолиятини жадаллаштириш зарурдир.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожлантириш учун тармоқдаги эркин фаолиятни қўллаб – қувватлаш, турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларида фойдаланиш, уларга асосий фаолият билан биргаликда қонунда таъқиқланмаган турли тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланиш, иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, инвестицияларни кўпроқ жалб этиб, фан техника ютуқлари, янги техника ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, чекланган ер ва сув ресурсларидан, пул маблағларидан ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчилар меҳнатини рағбатлантириш негизида даромад ва фойдани кўпайтириш йўлларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалаларнинг илмий ҳамда амалий асосларини яратишда, ривожлантиришда, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишда бозорни, қишлоқ хўжалигини ва халқимизни ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликларни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд бўлиб уларга барча шарт-шароитлар яратилди.

Мамлакатимизда аграр соҳани, хусусан, фермер хўжалигида 2014 йилда эришилган натижалар хусусида, 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати ҳолати яхшиланди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда аграр соҳани мулкӣ ислоҳ қилиш орқали хўжалик юритишнинг ўндан ортиқ шакллари синаб кўрилди ва улар орасидан хусусий мулкчилик муаммоларини ҳал қиладиган ва бозор талабларига мос келадиган учта шакли танлаб олинди. Қишлоқда мулкдорлар синфининг шаклланиши, деҳқонларга иқтисодий эркинлик берилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига катта имкониятлар очиб берди.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берилганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштириш яни хўжалик юритишнинг оқилона йўллариини излаб топиш ҳисобига материаллар ва ҳом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш, техника ва ускуналардан унумли фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатларни камайтириш, фаолият правардида даромадларини, фойдаларни ва рентабелликни оширишни кўзда тутди.

Кўрсатиб ўтилган омилларни барчаси ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун яқуни натижани яхшилаш зарур, бунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинаётган ресурслардан самарали фойдаланиш керак.

Республика қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатиб келувчи фермер хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда юқори натижаларга эришмоқда, аммо улардан олинган даромад кўзлаган натижадан анча паст.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда. Фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигининг яқунловчи асосий кўрсаткичи бўлиб, рентабеллик даражаси ҳисобланади. Фермер хўжаликлари фойда ҳажмини кескин оширилиши асосида рентабелликни камида 35 фоизга кўтарилишини таъминлашни чора-тадбирларини кўришлари лозим. Бу мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишда, ишлаб чиқаришга янги тежамкор технологияларни жорий этишда, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини оширишда муқобил бизнес режа тузишни тақозо этади.

Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида муқобил бизнес лойиҳаларни тузиш ва улардан фойдаланиш асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар БМИнинг мавзуси ҳозирги куннинг энг долзарб масаласига таълуқли эканлигини асослайди.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг тутган ўрни, улар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш масалаларини ўрганиб, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш ҳисобланади.

Айтиб ўтилган мақсадга эришиш учун битирув малакавий иш олдида қуйидаги вазифалар қўйилади:

- Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг тутган ўрнини аниқлаш;
- Фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш омиллари хусусиятларини ўрганиш;
- “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш омилларини аниқлаш ва асослаш;

- “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини иқтисодий ривожлантириш асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш.

БМИнинг амалий аҳамияти. Битирув ишида фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича тайёрланган фикр-мулоҳазалар ва хулосалардан “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигида ва у жойлашган худуддаги бошқа хўжаликларда ҳам фойдаланиш мумкин.

БМИ нинг таркиби. Битирув иши кириш, асосий қисм, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Асосий қисм 5 та саволдан иборат бўлиб уларда фермер хўжалиги фаолиятида самарали технологияларни жорий этиш ва иқтисодий самарадорликни оширишда бизнес режанинг тутган ўрни ҳамда фермер хўжалигининг эришган иқтисодий натижалари ўрганилиб таҳлил этилган.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида танланган мавзунининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи бобда фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режадан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятига бағишланган:

Иккинчи бобда Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг ҳозирги ҳолати ва таҳлилига бағишланган.

Учинчи бобда Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш йўллари ёритилган.

Битирув малакавий ишнинг сўнгида мавзу юзасидан хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Битирув малакавий иши электрон ёзма шаклида 81 бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини тайёрлашда 12 та жадвалдан фойдаланилди.

**1-боб. Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш
жараёнида бизнес режадан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий
моҳияти ва аҳамияти.**

**1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида
бизнес режанинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.**

Ўзбекистон иқтисодиётида рўй бераётган тўхтовсиз ўзгаришлар ва рақобат даражасининг ўсиб бориш шароитида фақат машаққатли меҳнат орқали бизнесда муваффақиятга эришиш мумкин. Муваффақиятли бўлиши учун бизнесимиз аниқ мақсадга ва унга эришиш учун эса, яхши ривожланган стратегияга эга бўлиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, бизга бизнес режа зарур.

Бозор иқтисодиёти шароитида бизнес режа тадбиркорликнинг ҳамма соҳаларида қўлланиладиган гўё бир иш асбобидар. У фермер хўжалигининг иш жараёнини тасвирлаб, фермер хўжалиги раҳбарларининг ўз мақсадларига қай тариқа эришишларини, биринча галда ишнинг даромадлилигини қай тариқа ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес режа фермер хўжалигини ўсиб боришга, бозорда янги мавқеларни қўлга киритишга, ўз тараққиётининг истиқболларини белгилаб олишга, янги товарлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга ҳамда мўлжалларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради. Бизнес режа доимий хужжат бўлиб, мунтазам равишда янгилаб борилади, унга ҳам фермер хўжалигининг ичида, ҳам умуман иқтисодиётдаги шароитларга қараб рўй берган ўзгаришлар киритилади.

Бизнес режа фермер хўжалигининг ички таҳлилини махсус илмий ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган макроиқтисодий таҳлиллар билан боғлайди. Одатда ҳар бир фермер хўжалиги бизнес режа тузади, лекин бундай ҳужжатларни тайёрлаш имкониятлари ҳар хил бўлиши мумкин: бизнес ражани ишлаб чиқиш учун баъзи фермер хўжаликлари консалтинг ташкилотларининг мутахассисларини жалб этишлари мумкин.

Бизнес режа фермер хўжалигининг муайян бозордаги фаолиятнинг аниқ йўналишини ўрганиш мақсадида ўтказиладиган тадқиқотлар ва ташкилий ишнинг натижаси бўлган муносабати билан у қуйидагиларга асосланади:

- Маълум товарни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш)нинг аниқ лойиҳасига - янги турдаги маҳсулотлар яратиш ёки янги хил хизматлар кўрсатишга;
- Фирманинг заиф ва кучли томонларини аниқлаб, олиш мақсадида ҳар томонлама ўтказиладиган ишлаб чиқариш- хўжалик ва тижорат таҳлилига;
- Аниқ масалаларни амалга ошириш учун қўлланиладиган молиявий, техник- иқтисодий ва ташкилий механизмларга;

Бизнес режа фермер хўжалигининг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатларнинг биридир. Шу билан бирга у фирма тараққиётининг умумий концепциясига асосланади, стратегиянинг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бир мунча батафсил баён этади, аниқ-тайин чора тадбирларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб беради. Стратегияни амалга ошириш техник, ташкилий ва иқтисодий ўзгаришларнинг маълум вақтгача ўзаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида туғилган кенг инвестиция дастурларига асосланади, бизнес режа инвестицион дастурнинг одатда бир неча йил ичида амалга оширилиши керак бўлган бир қисмини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, фермер хўжалигининг стратегик ишида қуйидаги тартиб кўзга ташланади.

1- босқич. Ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш.

2- босқич. Ривожланишнинг инвестицион дастури.

3- босқич. Ўртача муддатли даврга бизнес режа тузиш.

4- босқич. Бизнес режани амалга оширишга доир чора-тадбирлар.

Бизнес режанинг бир қанча вазифаларни ҳал қилишга имкон беради, лекин буларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- фирма тараққиёти (стратегияси, концепциялари, лойиҳалари) йўналишларининг иқтисодий жиҳатдан мувофиқлигини асослаш;
- фаолиятининг кутилаётган молиявий натижаларини, биринчи галда, сотув ҳажмларини сармоядан олинadиган даромадлар, фойдани ҳисоблаб кўриш;
- танлаб олинган стратегияни амалга ошириш учун керакли маблағлар манбаларини, яъни молиявий ресурсларни жамлаш усулларини белгилаш;
- мазкур режани амалга ошира оладиган ходимларни танлаб олиш.

Режанинг ҳар бир бандини бошқа бандлар билан маҳкам боғланган ҳолда олиб ечиш мумкин ҳолос. Бизнес режанинг асосий маркази молиявий ресурсларни жамлашдир.

Демак, бизнес режа потенциал инвестор танишмоқчи бўлган Бизнес фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумот бўлиб, агар режа ишончли бўлмаса ва инвесторни жалб қилмаса, шартнома ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг эса тўғриш лозимки, биздаги ягона имконият бу биринчи учрашувдаёқ ижобий таассурот қолдиришдадир!

Бошқача қилиб айтганда бизнес режа қуйидагиларни амалга оширади

- Бизнес фаолиятимизнинг келажагини аниқлаб беради;
- Бизнес фаолиятининг эксплуатацион тавсифини, яъни мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатиладиган хизмат турларини, ҳом-ашё ва материалларни олиш мумкин бўлган манбаларни, бозорни ва сотиш стратегиясини баён қилиб беради ва хоказо;
- Бизнес фаолиятининг бошқариш тузилмасини кўрсатади;
- Бизнес фаолиятини қандай сармоялашни батафсил кўрсатиб беради;

- Салоҳиятли инвесторлар ва кредиторларга йўналтирувчи восита бўлиб хизмат қилади;

Умуман айтганда, бизнес режа лойиҳанинг муваффақият даражасини белгилаб берувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Бизнес режани менежер, тадбиркор, фирмалар, консалтинг ташкилоти ва фермер хўжаликлари тайёрлаши мумкин. Менежерда янги маҳсулот тайёрлашни ўзлаштириб олиш, янги хил хизмат кўрсатиш фикри пайдо бўлган бўлса ёки у ўз концепциясини мустақил равишда амалга оширишга аҳд қилган бўлса у ўз бизнес режасини яратади.

Бизнес режани яратишда унда иштирок этадиган концепция муаллифларидан ташқари кредит бозорининг хусусиятларини, қаерда бўш сармоялар борлигини, мазкур бизнеснинг таваккал талаб ҳатарли томонларини биладиган молия ходимлари ҳам фаоллик билан қатнашадилар. Бизнес режани ишлаб чиқадиган мутахассислар гуруҳининг асосини иқтисодчилар, статистлар, системачилар ташкил этади.

Бизнес режадан янги акционерлар, кредиторлар, маблағ берувчи ҳомийлар ва бошқаларни қидириб топишда ҳаммадан кўп фойдаланилади. Мавжуд фермер хўжаликлари ёки янги ташкилий-ишлаб чиқариш структурасини яратиб, ишни кенгайтиришни мўлжаллаётган фермер хўжаликларига бизнес режа ёрдам беради.

Бизнес режанинг қисқача баён этилган мазмунидан кейин одатда фермер тўғрисидаги маълумотлар келтирилади, буларда фермер хўжалигини бошқариш учун керакли ва банкларни ёки инвесторларни қизиқтирадиган тафсилотлар лўнда қилиб баён этилади. Ана шундай материалнинг қуйидаги асосий бўлимларини ажратиш мумкин:

1. Фермер хўжалигининг ташкил топиши:

-фермер хўжалиги ташкил топган ва кенгайтирилган вақт (фермер хўжалигининг қачон, қаерда ва ким томонидан рўйхатга олингани, қаерда жойлашгани);

-фермер хўжалигининг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

- фермер хўжалиги сармоясининг структураси;
 - фермер хўжалигининг ҳисоб рақами очилган асосий банк;
 - фермер хўжалиги раҳбарияти – раиси, бош директори;
 - фермер хўжалигининг бухгалтери;
 - фермер хўжалиги бошқарувчиси, уларнинг малакаси, маълумоти, иш стажи;
2. Фермер хўжалигининг ташкилий структураси яъни тузилиши, бунда асосий ташкилий чиқариш ва бошқарув бўлинмалари кўрсатилади.
3. Фермер хўжалиги фаолияти шароитларининг таҳлили бизнес-режа биринчи бўлимининг муҳим қисмидир. Фермер хўжалиги фаолиятининг шароитлари икки катта қисмга бўлинади: ташқи ва ички шароитлар.

Ташқи шароитларга фермер хўжалиги айтарли таъсир кўрсата олмайди, лекин уларни назарда тутиши керак бўлади. Бу шароитлар истеъмолчилар хоҳиш-истаклари ва дидларининг, бозор талабларининг ўзгариб туришини, ишчи кучи бор йўқлигини, моддий ресурслар манбаларини, маҳсулотнинг ҳаёт цикли, ишлаб чиқариш цикли, солиққа тортиш таҳлили, баҳолар устидан назорат ва бошқаларни ўз ичига олади.

Хулоса қисмида қанча ҳажмда маблағ ажратилиши мўлжалланаётганини қисқача баён қилиб, ажратиладиган маблағлар сармоянинг ўсиб боришига ёрдам берадиган бўлиши учун фермер хўжалиги нималар қилмоқчи эканлигини айтиб ўтиши зарур.

Бизнес фаолияти стратегик ва оператив таҳлил қилиш билан тавсифланади. Стратегик таҳлил бизнес фаолиятини кучли ва кучсиз томонларини, имконият ва хавф-хатарларини аниқлашга йўналтирилган. Оператив таҳлилда эса бизнес фаолияти хўжалик фаолиятини натижалари таҳлили берилади. Унда бизнес фаолиятининг натижаларини таҳлили, ишлаб чиқариш харажатларини таҳлили, маҳсулот таҳлили тўлиқ ёритиб берилади.

Режалаштириш-бу бизнес фаолияти мақсадлари, унинг маркетинг соҳасидаги потенциал имкониятлари орасидаги стратегик мувофиқликни қўллашни таққословчи бошқарув жараёнидир.

Бизнес фаолиятини режалаштириш афзалликларга эга бўлиб, у мутаххасисларни доимо келажак учун фикрлашга рағбатлантиради, режаларни ишлаб чиқариш ва бажариш жараёнида бизнес фаолияти томонидан қилинаётган ишларни аниқ мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади. Режалаштириш ташкилотларни тўсатдан бўладиган ўзгаришларга тайёр қилади ва у ташкилотнинг ўз вазифаларини аниқ белгилашга мажбур қилади.

Стратегик режалаштириш асосида аввало мақсад ва вазифалар билан бир қаторда стратегия муштарак ҳал этилади. Кейинги босқичда жорий ва стратегик дастурларни тузиш орқали фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш ва уни рўёбга чиқариш тадбирлари амалга оширилади.

1.2. Фермер хўжаликларини модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг тутган ўрни.

Корхона фаолиятини муваффақиятли олиб боришда бизнес-режа муҳим роль ўйнайди. Бизнес-режанинг тузилиши ва мазмуни қатъиян чегараланмаган. Бизнинг фикримизча, етти бўлимдан иборат бизнес-режа энг мақбулдир².

Бизнес-режада «Тадбиркорлик фаолиятининг мақсади ва вазифалари» марказий ўринни эгаллайди. Тадбиркорлик бизнесининг асосий мақсади фойда олишдир. Режалаштирилаётган битимни амалга ошириш олдида катта маблағ ишлатишни ва шу маблағ канча фойда келтиришини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш лозим. Бунда ва умуман, бизнес режа тузишда вақт омилини доимо ҳисобга олиш керак. Бошқача қилиб айтганда, келадиган фойда вақтга қараб қандай тақсимланади ва инфляцияга нисбатан унинг самарадорлиги қандай бўлишлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқиш лозим.

Бизнес-лойиҳани амалга оширишдан олдин шуни эътиборга олиш керакки, олинadиган фойда омонат банкка қўйилган шу миқдордаги маблағ келтирадиган фоиздан кўп бўлишини таъминлаши лозим.

² Косимова М.С., Ходиев Б.Ю. ва бошқалар Кичик бизнесни бошқариш Т.2008

Бизнес режа тузувчиларнинг диққат марказида, марказий, устувор масаладан ташкари, бошқа мақсад ва вазифалар ҳам туриши керак. Масалан, ижтимоий мақсадлар, тадбиркорлик мақомини кўтариш, махсус мақсад ва вазифалар, ҳомийлик тадбирлари ва бошқалар.

Жаҳон тажрибасида бизнес-режани тузиш босқичлари ва унинг ташкилий қисмлари аниқ белгиланмаган.

Асосий йўналишни сақлаган ҳолда, бошқа бўлимларга ахборотни кўчириш ёки уларни бирлаштириш ҳисобига бўлимлар сони кам бўлиши мумкин.

Корхонанинг тадбиркори, менежери бизнес-режани ишлаб чиқаришнинг аниқ схемаси, унинг таркиби ва баёни, ҳажми, ахборот устунлигини танлашда ыуидаги омилларга эътибор беради:

- фермер хўжалиги статуси ва катта-кичиклиги (бир тармоқли ёки кўп тармоқли);

- режалаштириш фаолиятининг босқичлари (бизнес бошланиши, яъни янги ишлаб турган фермер хўжалиги фаолиятининг давоми);

- режанинг мақсадли йўналиши (асосан ички ишларга ёки қарз ва сармоя олишга);

- бизнес хусусияти ва қийинчилиги, худди шундай у ёки бу масалаларни ишлаб чиқишдаги ибораси;

- керакли маълумот (акценти) ва ахборотнинг борлиги;

- бошқа мутахассисларнинг ёрдамига муҳтожлиги ва бошқалар.

Аммо, бизнес режа муккамал ёки оддийлигидан, катта ёки кичиклигидан қатъий назар бизнеснинг моҳиятини ақс эттирадиган зарур бўлимларни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда тадбиркорликнинг барча субъектлари сингари фермер хўжаликларини фаолиятии бошқаришда ҳам бизнес режадан кенг фойдаланилади.

Фермер хўжаликлари бизнес режаси қуйидаги асосий мақсадларни ҳал этади:

- Фермерларни ўз стратегиясини ишлаб чиқиш учун асос бўлибгина қалмай, уни мувоффақиятли амалга оширишга кафолат ҳам беради;
- Иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш ва фаолиятини барқарорлаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади;
- Фермер хўжаликлари фаолиятини амалга оширишда тўсатдан юзага келадиган муаммолар юзасидан раҳбарни огоҳлантиради ва уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқишга кўмаклашади;
- Сармоядор (инвестор)ларга фермер хўжалиги фаолияти самарали эканлиги юзасидан маълумотлар беради.

Шу тўғрисида жамият тараққиётининг барча босқичларида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда режалардан кенг фойдаланилган. Фермер хўжаликларида топшириқларнинг техник иқтисодий жиҳатдан асослашда кўрсаткич ва кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Кўрсаткич – бу режа топшириқларни ифодаланиш формасидир.

Кўрсаткичлар тизими эса топшириқларнинг мазмун моҳияти ва ифодалаш мажмуидир.

Фермер хўжаликларида ҳам тадбиркорликнинг барча шакллари сингари фаолияти кўрсаткичлар орқали баҳоланади. Кўрсаткичлар тизимига иккита асосий талаб қўйилади:

- Аниқ бир мақсад ва адресга қаратилганлиги;
- Барча тадбиркорлик субъектлари учун умумийлик.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари бизнес режаларида топшириқларни ифода этишда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан кенг фойдаланилади:

1. Натура ва қиймат;
2. Миқдор ва сифат;

3. Абсолют ва нисбий кўрсаткичлар;
4. Тасдиқланган ва ҳисоб-китоб кўрсаткичлар.

Бизнес режа- қатъий ҳисоб-китобларга асосланган ҳужжат бўлиб, мавжуд бозорлар ҳолатини яхши таҳлил қилиб ўз мақсадини аниқ, равшан кўз олдига келтира биладиган фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан мустақил равишда ёки мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

Фермернинг бизнес режаси - бу хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар, хўжаликнинг мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, хўжаликнинг юқори даражада фойда олишини таъминлаш борасидаги ёзма дастуридир. Бизнес режа тузиш ва уни амалга оширишнинг муҳимлиги – у ишлаб чиқарувчининг ўз имкониятларига ҳар томонлама баҳо бериши кўйилган мақсадга эришиш кафолатини аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўз олдига келтириши, айнан олдиндан тузилган бизнес режалар орқали юзага келиб, режанинг муваффақиятли амалга оширилиши корхонанинг ривожланиши ёки инқирозга юз тутишини белгилаб беради.

Фермер томонидан яхши тузилган бизнес режа биринчи навбатда хўжаликнинг ходимлари учун, сўнгра корхона фаолияти билан қизиқувчи миждозлар ва жамоатчилик учун, корхонага молиявий маблағлар сарфлаб фойда килишни кўзлаётганлар (масалан банклар) учун режалаштирилган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлилигини асословчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Айни шу жиҳатдан қишлоқ хўжалиги корхоналарида бизнес режаларни тўғри ва асосли тарзда ишлаб чиқиш аҳамиятлидир. Ишлаб чиқарилган режа натижалари фермер учун амалга оширилиши кутилаётган фаолият муваффақиятлар келтириши ёки хўжаликнинг инқирозга олиб келишини иқтисодий, ҳисоб-китоблар асосида кўрсатиб беради ва келажаги ноаниқ бўлган фаолиятдан воз кечиш лозимлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик соҳанинг ўзига хос хусусиятлари, яъни ишлаб чиқариш натижаларининг бир йилда бир маротаба фақат йил охирида пайдо бўлиши, табиатнинг хавф-хатарликларига боғлиқлиги, йил давомида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган айланма маблағлар сотиб олиш учун қисқа муддатли кредитларга заруратни келтириб чиқаради. Ушбу ҳолатда молиявий идоралар ва банклар учун кредитлар ажратишда зарур бўладиган, корхонанинг кредитларни қайтара олиш қобилятининг кафолати айтилиб, бизнес режалардаги ҳисоб-китобларига асосланади. Бизнес режага асосан фермер хўжалигининг имкониятлари тўғрисида барча ахборотлар бўйича баҳо берилади.

Бизнес режа кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ёки деҳқон ва фермерларнинг аниқ ғояга асосланган ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва тижорат билан шуғулланиш истиқболлари (моделлаштириш дастури) ёки ҳисоб-китоблар мажмуаси акс этган ҳужжатдир.

Бизнес режани тузишдан мақсад:

- биринчидан, сармоядор, ҳомий, ҳиссадор ва банкирларнинг пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб этиш;
- иккинчидан ўз ҳодимларини мақсад, вазифа ва истиқболга ишонтириш ва қизиқтириш;
- учинчидан, ўз ғояларининг фойда келтиришига ишониб, режали ва самарали бошқаришни ташкил этиш.

Бизнес режанинг бозор иқтисодиёти даврида долзарблиги қуйидаги омиллар таъсирида шаклланади:

- биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодиётига янги мулк шакллари, ишлаб чиқариш муносабатлари кириб келиши билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда деҳқон, фермерларнинг янги авлодлари шаклланимоқда. Улар учун бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этиш ва иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш бизнес-режасиз мумкин эмас;

- иккинчидан фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда тамоман янгича муносабат – таваккалчилик, рақобат, рақобатга чидаш ва унда енгиб чиқиш сир-синуоти ҳам бизнес режа орқали ҳал этилади;

- учинчидан, хорижий мамлакатлар инвестицияларини жалб этмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ва самарадорлигини кўтариш жуда катта муаммога айланмоқда. Шундай бир даврда хорижий мамлакатлар инвесторларига буюртмаларни долзарб ва самарадорлигини исботлаб бериш ва уларга сарфланадиган маблағларнинг юксак даражада фойда беришини ҳар жиҳатдан кўрсата билиш учун ҳам бизнес-режа зарурдир.

Юқорида қайд этилган муаммоларни турли шаклдаги қишлоқ хўжалик корхоналарида ечимини топишда, бизнес-режанинг ўзи кифоя қилмайди. Бизнес-режа деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларида ишлаб чиқаришни режалаштириш учун зарур бўлган технологик хариталар, меъёрий ҳужжатлар ва бирламчи агрономия, зооветеринария ҳам бухгалтерия ҳисоб-китоблари билан тўлдирилиши шарт.

Бизнес режа қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилиши лозим:

- деҳқон ва фермерлар ўз ишларини қандай бошлаш;
- қандай қилиб ишлаб чиқаришни самарали юргизиш ва товарни бозорга олиб чиқиш;
- янги ишлаб чиқаришни кимлар билан ташкил этиш ва қачон дастлабки даромадларни олиш;
- таваккалчилик хавф-хатарини қандай камайтириш;
- оёққа туриб олиш ҳамда рақобат курашида ютиб чиқиш.

Бизнес-режа тузиш ёрдамида деҳқон ва фермерлар ўзлари учун қуйидагиларни билиб оладилар:

- бизнес-режани тузиш жараёнида ўз ишлаб чиқариш молия фаолиятини ҳар томонлама ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил қилиш, ўзи бошлаётган ишни пухта билишга, келажакда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва ҳолисона баҳолашга олиб келилишини;

- бизнес-режа бу – тадбиркор бажарадиган фаолиятининг тайёр режаси эканлигини. Уни ишбилармонларнинг ўз корхоналарини самарали бошқаришга ҳамда ўйлаган ишларини муваффақиятли ўтишига ёрдамлашадиган ишчи дастур сифатида хизмат қилишини;

- бизнес-режа тадбиркорнинг ўз ғоясини бошқа ҳамфикрларига, сармоядорларга ва банкирларга етказадиган энг яхши синалган усул ва шунингдек, молиявий фаолиятини аниқ эканлигини.

Молия-кредит муассасаларини корхонанинг белгиланган муддатларда кредитни қайтариш қобилияти ва унинг максимал қопланиши қизиқтиради. Уларга, хўжалик томонидан қабул қилинган ва кредитга даъвогар бўладиган бизнес-режанинг сўнгги варианты керак бўлади.

Бизнес-режанинг асосий бўлимлари қуйидагилар:

- 1) фермер хўжалиги имкониятлари, унинг қисқача тавсифи;
- 2) ишлаб чиқариладиган товар маҳсулоти ва хизматлар турлари, уларнинг сифати ва қисқача тавсифи;
- 3) сотиш бозорларининг қисқача рақобатчи тавсифи;
- 4) маркетинг режаси ва унинг стратегияси;
- 5) ишлаб чиқариш режаси;
- 6) фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш;
- 7) таваккалчиликларни баҳолаш ва суғурталаш;
- 8) меҳнат ресурслари ва ижтимоий муносабатларни режалаштириш;
- 9) инвестициялар режаси;
- 10) молиявий режа ва молиялаштириш стратегияси;
- 11) бизнес-режа лойиҳаси амалга ошишидан миллий, минтақавий, хўжалик ва ижтимоий манфаатлар.

Юқорида биз бизнес режанинг мазмун ва моҳияти, унинг фермер хўжалкилари фаолиятини самарали олиб боришдаги роли ва аҳамиятини кўриб чиқдик.

1.3. Фермер хўжаликларини диверсификациялаш жараёнида бизнес режанинг техник-иқтисодий асослари

Аграр тармоқда бозор тамойилларини босқима-босқич жорий этиш йўналишида амалга оширилаётган агроиқтисодий ислохотлар натижасида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тадбиркори дея ном олаётган – етиштирилган маҳсулот ва мол-мулкка хусусий эгалик қилган ҳолда, ер участкаларидан узоқ муддатли ижара асосида фойдаланиб ишлаб чиқаришни йўлга қўювчи фермер хўжаликлари устувор равишда ривожланмоқда.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «...фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди. Шу билан биргаликда фермер хўжаликларининг иқтисодий барқарорлиги ва хўжаликда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш бозор тамойилларига мос хўжалик юритиш тизимини шакллантиришга боғлиқ»³.

Маълумки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги олдида қўйилган асосий мақсад – табиий омиллари ва моддий-техник ресурслардан самарали фойдаланиш асосида сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб молиявий барқарорликка эришиш ҳисобланади, Айни пайтда бу жараён фермер хўжалигида ишловчиларнинг дармадаларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва муносиб меҳнат шароитини яратиш бериш билан бирга олиб борилиши лозим. Юқоридаги мақсадга эришиш фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали ҳал этилиши қийин бўлган масала ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ўзининг хусусиятларига боғлиқ равишда одатда ишлаб чиқарувчига нисбатан кам даромад келтиради.

³ И.А. Каримов Ўз.Рес. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет

Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши даври бўйича яққол мавсумий тавсифга эгаллиги боисдан маҳсулот ёппасига пишиб етилган пайтда бозорларга олиб чиқилади. Бу пайтда баҳо кескин пасайиши сабабли фермер учун кам фойда келтирувчи ёки умуман фойда келтирмайдиган ўртача баҳо шаклланади. Шу билан биргаликда аксарият қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (мева-сабзавот маҳсулотлари, гўшт ва сут каби) тез бузулувчи ва ўз сифатини (товарлилик даражасини) тез йўқотувчи маҳсулот ҳисобланади. Натижада фермер маҳсулотини тезроқ сотишга ҳаракат қилади, бу эса бозордаги баҳонинг янада пасайиб боришига олиб келади.

Кўпчилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари транспортда узоқ масофаларга ташиш учун чидамсиз маҳсулотлар ҳисобланиши боисдан узоқ бозорларга олиб боришда қийинчиликлар туғдиради. Натижада фермер етиштирган маҳсулотини баҳоси пастроқ бўлса ҳам ўзи учун яқинроқ бўлган маҳаллий бозорларда сотишга мажбур бўлади.

Шунинг учун фермер хўжаликлари ўз бизнес режаларини **техник-иқтисодий асослаши** муҳим жараён ҳисобланади. Тадбиркор, хўжалик фаолиятини бошқараётиб, ўз режасини амалга оширишнинг муқобил йўллари ва имкониятлари ҳақида маълумот олиши ва улардан энг яхшисини танлаши керак.

Хусусан, энг оқилона тадбиркорлик бизнес режаси шуки, у жалб килинган ва нақд капитални самарали, тўғри ва тўлиқ режалаштирилган натижага эришишга йўналтирилган, асосланган мақсадга мувофиқ усуллар билан хўжалик масалаларини амалга ошириши лозим. Бизнес режанинг асосланиши иқтисодий-техник кўрсаткичлар билан, шунингдек, хулосаларнинг афзаллигини танлашга асосланган ва мақсадга мувофиқ хатти-ҳаракатларга тўғри баҳо бериш билан таърифланади.

Бизнес режанинг техник-иқтисодий асоси қуйидаги тартибда кўрсаткичлар тизимида фойдаланиб амалга оширилади:

Корхона келажаги хақида дастлабки маълумотлар йиғилади ва бу маълумотларга ишлов берилади.

Тадбиркорлик ғоясини амалга оширишдаги харажат ҳисобланади. Бунга тадбиркорларни ёки корхонани рўйхатдан ўтказишга, ишлаб чиқариш базасини тузишга, махсулотни ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатиш) ва уни сотишга кетадиган харажатларга йўналтирилган пул воситалари киради.

Махсулот таннархини шакллантирувчи ва бошқа харажатлари ўз ичига қуйидагиларни олади: ускуналарнинг амортизацияси; бино ва иншоотларни сақлаш; улардан фойдаланиш; электр энергияси; ёкилғига сарф-харажатлар. Хўжалик асбоблари; мебеллар; омилар ва бошқаларни таъмирлаш.

1 Махсулотни сотиш бўйича харажатлар, ўраш, тара.

2.Транспортда ташиш, омборхонада сақлаш, рекламани ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

3. Чиқарилаётган махсулот учун режалаштирилган нархлар белгиланади. Уларнинг даражаси талаб ва таклифларни инобатга олиб белгиланади. Лекин нарх хўжалик харажатларини қоплаши ва даромаднинг етарли даражада бўлишини таъминлаши керак.

4. Кутилган даромад махсулот ишлаб чиқариш йиллик дастури ва бир донасини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

5. Киришдан тўланадиган мажбурий тўловлар ва тўловларнинг тахминий суммаси ҳисоб-китоб қилинади.

6. Кутилган баланс даромад аниқланади.

7. Солиқлар, тўловлар, йиғимларнинг умумий суммаси аниқланади.

8. Тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишдан келган соф даромад ҳисоб-китоб қилинади.

9. Соф фойдани ҳисобга олган ҳолда лойиҳа таҳлил қилинади. Агар ҳисоб бўйича фойда олинмаса ва ҳажми меъёрдан кам бўлса бизнес режани амалга ошириш мақсада мувофиқ бўлмайди, тадбиркорлик ғоясининг янги концепциясини чиқиш ва унинг иқтисодий- техник асослашни яхши ўтказиш керак.

Режалаштириш ҳар қандай тадбиркорлик тизимида ҳажмидан қатъий назар унинг ажралмас қисмидир. Илғор технология ва бозор тадқиқотларининг натижалари, янги иш ташкили ва тадбиркорлик режаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-бошқарув ва молия муаммоларини ҳал қилиш бизнес режада акс этиши керак.

Бизнес-режа - бу ҳужжат, унда аниқ вазиятда бизнеснинг моҳияти бошланиш имконияти, давоми ва унинг кенгайтирилиши акс этади.

Бизнес-режа тадбиркор томонидан ишлаб чиқилади, агарда бошқа муаммолар бўйича маслаҳатлар керак бўлса, бу ишга бошқа соҳа мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Одатда бундай режалар 3-5 йил мудадтга тузилади. Тадбиркорлик томонидан биринчи йилдаги олинадиган самара ойлар сайин батафсил, кейинги йили - тақвимлар бўйича, кейинчалик йил бўйича ҳисобланади.

Бизнес-режа омонатчилар тасдиғидан ўтган тақдирда (ҳиссадорлик жамияти бўлса), биринчи йилга алоҳида иш вазифаларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Ғарбдаги ҳамма фирмалар ўз фаолиятани жуда аниқ режалаштиради ва бизнес-режани ишлаб чиқишда махсус талабларга асосланади. Одатда унинг ҳажми 40 бетдан ошмайди. Юқори даражадаги рақобатли соҳаларда, кўзда тутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкин бўлганда тўлиқ режанинг муқобили сифатида қисқа варианты қабул қилинади.

Айрим ҳолларда бизнес режа ўзлари фойдаланиш учун кичикроқ ва каттароқ ҳажмда «Ташқи» варианты (банк, сармоялар, таъминловчилар ва истеъмолчилар учун) тузилади. Бундай ҳажмдаги режаларга аниқ мисоллар, ҳисоблар, кўргазмалар илова қилиб киритилади.

Бизнес-режа бир неча муҳим вазифаларни бажаради. Бизнес-режани тайёрлаш жараёни биринчидан, фикрлашни жонлантиради, иккинчидан тадбиркорликни пухталиқ билан ўйлашга ва ўз ишини турли нуқтаи назардан таҳлил қилишга, ҳақиқий имконият ва қийинчиликларни баҳолашга мажбур қилади.

Учинчи вазифа - назорат. Коғозда баён қилинган режа келгуси назоратларда ва эришилган натижаларни баҳолашда ҳар доим ишлатилиши мумкин. У корхона фаолиятини келгусида яхшилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчи, асосий вазифа - жамғариш, У бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларни жалб қилишга имконият яратади. Бизнес-режа потенциал қарз берувчини, акционер, сармоядорни ҳамда истеъмолчини, таъминловчиларни ушбу корхона билан (ишбилармон) тижорат алоқаларида фойда олишга ишонтириши керак.

Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ фермер хўжалигини ташкил қилишда фермер хўжалигининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Техник-иқтисодий асослашга қуйидагиларни киритиш лозим:

1. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларга бўлган талабни таҳлил қилиш.

2. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари:

а) талаб қилинувчи техник, технологик ва бошқа хужжатларнинг мавжудлиги;

б) ишлаб чиқариш дастури;

в) дастурни бажариш учун керак бўлган асосий ишлаб чиқариш фондига тегишли машина, асбоб-ускуна ва жихозларнинг мавжудлиги;

г) ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги ёки уларнинг лойиҳаси;

д) асосий ишлаб чиқариш фондларининг мавжудлиги;

е) айрим турдаги маҳсулот ёки хизматларнинг самарадорлиги;

ё) амортизация туловларининг миқдори.

3. Молиявий кўрсаткичлар:

а) сотилган маҳсулот ёки хизмат кўрсатишдан олинishi мўлжалланган маблағ;

б) моддий ва унга тенглаштирилган бошқа сарф-харажатлар;

в) бюджетга ўтказиладиган тўловлар;

- г) соф даромад;
- д) иш хақи жамғармаси;
- г) ташкил этилаётган бошқа жамғармалар миқдори.

4. Ижтимоий кўрсаткичлар,

- а) ишчиларнинг тахминий сони;
- б) кутилаётган иш хақи миқдори;
- в) бир ишчига тўғри келаётган сотиш миқдори;
- г) ногиронлар ва пенсионерлар меҳнатидан фойдаланиш имконияти.

Бизнес-режанинг асосий бўлимларининг мазмуни қуйидагилардир.

Бизнес-режа кириш қисмидан бошланиши, яъни унда қисқача маълумотнома ёки тушунтирув ёзуви бўлиши керак. Потенциал ҳамкор турли хил ишбилармонлик тузилмаларидан ҳамкорлик қилиш учун кўплаб таклифлар олиши мумкин. Шунинг учун у, биринчидан, бизнес-режанинг берилиши билан қисқача танишиши керак. Бўлим ҳажми 3-5 бетни ташкил қилади.

Бизнес-режа кириш қисмининг мустақил аҳамияти ҳам бор. Баъзида бу ҳужжатдан банк ёки инвестиция фондидан маблағ олишда қисқача маълумотнома сифатида фойдаланилади. Бунда қуйидаги саволлар кўзда тутилиши керак:

А. Корхона ҳақида маълумот. Корхона номи ва унинг жойлашган ери, корхонанинг ташкил этилганлиги ҳақида қисқача маълумот берилади. Корхонанинг мулк шакли (давлат, хусусий, жамоа, қўшма) ва юридик шакли (масалан: кичик корхона, хиссадорлик жамияти, қўшма корхона ва бошқалар) кўрсатилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ёки хизматлар номлари ва асосий ракобатчилар ҳақида қисқача маълумот берилади. Корхона бошқарув тизими баён қилинади.

Б. Фаолият турлари, мақсади ва мўлжали. Одатда корхона маълум соҳа бўйича ишлаши керак, аммо бир неча соҳада фаолият кўрсатиши ҳам мумкин. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва ўз маҳсулотини сотиш бўйича тижорат

фаоляти ва бошқалар. Тушунтириш ёзувининг бу қисмида ишбилармон ўз корхонасининг фаоляти, мақсадини ва уларга эришиш йўлларини кўрсатиши керак.

В. Керакли маблағга бўлган эҳтиёжнинг қисқача баёни. Бу бўлимда ишбилармон ўзининг амалдаги маблағларига баҳо беради ва керакли кўшимча пул воситаларига мухтожлигини исботлайди.

Г. Режалаштирилган фойда ва лойиҳа рентабеллиги. Бизнес-режанинг асосий мақсади, шундан иборатки, ишбилармон пул маблағларини оладиган юридик шахсда ўзига нисбатан яхши таассурот қолдириши керак. Бунинг учун у: 1) қайси йўл билан фойда олиниши; 2) унинг махсулоти худди шунақа махсулотлардан қанчалик афзал эканлигини кўрсатиши керак.

2-боб. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини иқтисодий ҳолати ва таҳлили

2.1. “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ-иқлим шароити.

“Маъмуробод баҳори” фермер хўжалиги Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани маъмуробод массивидаги Қўрғонтепа фуқоролар йиғинида жойлашган.

“Маъмуробод баҳори” фермер хўжалиги қулай шарт - шароитга эга бўлган, аҳоли пунктига яқин жойлашган, оқава сув билан таъминланган, ўртача тупроқ унумдорлигига эга бўлган, текисликда жойлашган ўртача фермер хўжаликлар қаторига киради.

Қўрғонтепа тумани, Маъмуробод массивидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалиги 2006 йил 6 январда № 11-К сонли туман ҳокимининг қарори билан ташкил этилган. Ғарб томондан «Ёшларобод» фермер хўжалиги билан, шимол томондан эса «Маъмуробод саҳовати» фермер хўжаликлари билан чегарадош. «Маъмуробод» СИУ га аъзо ва оқава сувдан фойдаланади. Хўжалик вилоят марказидан 50 км, туман марказидан эса 6 км узоқликда жойлашган.

Фермер хўжалиги ОАЖ МТПдан 10 км, Ўзкимё дан 8 км, нефтбазадан 2 км, дон қабул қилиш шахобчасидан 9 км, пахта тозалаш заводида 7 км, пиллакашлик корхонасидан 8 км узоқликда жойлашган. Хўжалик Қўрғонтепа туман «Агробанк» тижорат банкида № 20208000104452633001, МФО 00056, ИНН 205 988 731хисоб рақамини очган.

Ҳозирги кунга келиб Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг умумий ер участкаси 57,3 гектарни ташкил этмоқда, шундан 0,5 га йўллар, 1, 2 ариқ завурлар, 1,1 тутзорлар билан банд ҳамда 54,5 га ерга екин екилиб келади.

Тупроқ тури бўз тупроқ бўлиб, ер участкаси 100% текисликлардан иборат. Ажратилган ер участкаси 4 контурдан иборат бўлиб, ўртача бонитет бали 64 баллни ташкил этади.

1-контур 18,5 га, 64,8 балл,

2-контур 15,5 га, 63,1 балл,

3-контур 10,1 га, 65,3 балл,

4-контур 13,2 га, 62,8 балл

1-жадвалда фермер хўжалигининг ижарага олган ер участкаларини умумий ҳолати келтирилган

1-жадвал

Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкасининг тавсифи

Контур тартиб рақами	Умумий ер майдони	Шундан						Бонитет бали
		Экин ери	Тутзор ва ўрмон зор	Ариқ зовур	Йўл лар	Иморат остида	Бошқа ерлар	
19	18,5	17,4	1,1	-	0,5	-		64,8
20	15,5	14,3	-	-1,2	-	-		63,1
21	10,1	10,1	-	-	-	-		65,3
24	13,2	12,7						62,8
	57,3	54,5	1,1	1,2	0,5	-		64,0

Манба: “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалиги маълумотлари

«Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги туманнинг пахта тозалаш заводида 7 километр, дон қабул қилиш корхонасидан эса 9 километр узоқликда жойлашган. Муқобил МТП қадар бўлган масофа мос ҳолда 10 километрни ташил этади.

У 4 та суғориш картасидан иборат. Суғориш карталарини ўртача ҳажми 15 гектарни ташкил этади. Суғориш карталари қуйидагилардан иборат. Биринчи суғориш картасини ҳажми 17,4 гектар, иккинчи суғориш картасини ҳажми 14,3 гектар, учинчи суғориш картасини ҳажми 10,1, тўртинчи

суғориш картасининг ҳажми 12,7 гектарга тенг бўлиб жами экин майдони 54,5 гектарни ташкил этади.

2-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкасининг тавсифи берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигини экин майдони 4 кадастр гуруҳининг 7 ва 8 синфига оид бўлиб уни ўртача бонитет балли 64 га тенг.

2-жадвал

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупроқ бонитет баллари тўғрисида маълумот

ТР	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдони, га	Ўртача бонитет бали	Карталар сони
	Кадастр гуруҳи	Синф				
1	1 кадастр гуруҳи	1-синф	0 дан 10 гача			
		2-синф	11 дан 20 гача			
2	2 кадастр гуруҳи	3-синф	21 дан 30 гача			
		4-синф	31 дан 40 гача			
3	3 кадастр гуруҳи	5-синф	41 дан 50 гача			
		6-синф	51 дан 60 гача			
4	4 кадастр гуруҳи	7-синф	61 дан 70 гача	54,5	64	4
		8-синф	71 дан 80 гача			
5	5 кадастр гуруҳи	9-синф	81 дан 90 гача			
		10-синф	91 дан 100гача			

Манба: Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

«Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигининг ерлари унумдор ҳисобланиб тупроғи қора бўз тупроқ бўлиб у кимёвий элементларга ва чириндига анча бойдир. Ушбу ерларда самарали технологияларни қўллаш асосида пахта ва буғдой экинларидан юқори ҳосил олиш имкониятлари мавжуд.

3-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигининг экин майдонлари таркиби, уларнинг салмоғи ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари акс эттирилган.

3-жадвалда

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган.

т\р	Кўрсаткичлар	Ўлчо в бир- лиги	2012й	%	2013й	%	2014й	%	2014 йилда 2012 йилга нисбата н %
1	Жами экин майдони	га	54,5	100	54,5	100	54,5	100	100,0
1.1	шундан: Пахта	га	28,6	52,5	28,9	53,0	28,6	52,5	100,0
	Хосилдорлик	ц\ га	29,2		29,2		29,3		100,3
	Ялпи ҳосил	ц	835,1		843,8		838,0		100,3
1.2	Дон	га	25,9	47,5	25,6	47,0	25,9	47,5	100,0
	Хосилдорлик	ц\ га	50,0		55,0		62,0		124,0
	Ялпи ҳосил	ц	1295,0		1408		1605,8		124,0
2.	Ходимлар сони	нафар	36	100,0	36	100,0	36	100,0	100,0
2.1	Пахтачиликда	нафар	32	88,9	33	91,7	33	91,7	103,1
	Дончиликда	нафар	4	11,1	3	8,3	3	8,3	75,0
3	Ерни бонитет бали	балл	64		64		64		

Манба: Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Жами экин майдонига нисбатан 2014 йилда пахта ва ғалла майдонини салмоғи 52,5\47,5 фоизни ташкил этган. Фермер хўжалигида пахта хосилдорлиги ўртача бўлиб, гектарига 29,3 центнерни ташкил этади. Буғдой хосилдорлиги эса 62 центнерга тўғри келди. Фермер хўжалигида пахта ва ғалла хосилдорлигини янада кўтариш имконияти мавжуд. Фермер хўжаликда пахтани «Андижон-35» нави, буғдойни эса «Чиллаки» навлари экилади. Жумладан, хўжаликка ўзоқ муддатга ижарага берилган ер участкасининг бонитет бали 64 ни ташкил этиб, уни кўтариш чора тадбирларини кўриш лозим. Яъни ерни мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мумкин.

Ундан ташқари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имконияти ҳам бор. Фермер хўжаликда йилига 36 нафар ишчи ходимлар фаолият кўрсатади, шунингдек улардан 33 нафари пахтачиликда, қолган 3 нафари ғаллачиликда фаолият кўрсатади.

4-жадвалда Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг аъзолари ва шартнома асосида ишлаётган ходимлари таркиби тўғрисида маълумот берилган.

4-жадвал

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот

№	Аъзоларнинг исми ва шарфи	Туғилган йили	Маълумоти	Касби	Иш стаж и	Қарин дошли ги	Кўшимча эгаллаган касби
1	Рўзиев Баҳодир	31.08.1964	Ўрта махсус	Бошқарувчи	32	-	Тадбиркор
2	Эгамбердиев А	20.11.1962	ўрта	Бухгалтер	13	йўк	Тадбиркор
3	Ахмедов Р	14.09.1979	ўрта	тракторчи	12	йўк	йўк
4	Ғозиев И	25.05.1981	ўрта	сувчи	14	йўк	йўк
5	Расулов Х	23.03.1984	ўрта	сувчи	10	йўк	йўк
6	Каломохунова М	16.06.1985	ўрта	ишчи	12	йўк	Хамшира
7	Орипова М	30.04.1977	ўрта	ишчи	11	йўк	йўк
8	Ғозиева Г	22.01.1988	ўрта	ишчи	13	йўк	йўк
9	Қосимова С	03.11.1983	ўрта	ишчи	9	йўк	Тикувчи
10	Абдураззақова М	10.08.1988	ўрта	ишчи	12	йўк	Йўк
36	Умаров Д	21.07.1979	ўрта	тракторчи	13	йўк	Шофёр

Манба: Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Хўжаликда фаолият кўрсатаётган аъзолар ишлаб чиқариш бўйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай фикрга келиш мумкин эмас. Сабаби хўжаликда фаолият кўрсатаётганлар орасида кўпчилиги ўрта махсус маълумотга эга, лекин ўсимликчилик соҳасида яхши тажрибага эга бўлган ходимлар ишлайди.

Фермер хўжалиги раҳбари Рўзиев Баҳодир 1964 йил 31 августда таваллуд топган. Маълумоти ўрта махсус 32 йил иш стажига эга. Қолган ходимлар эса ўрта маълумотига эга бўлиб, уларни орасида хисобчи, ишчи ва сувчилардан иборат.

Ходимларнинг кўпчилиги дехконлардир. Шунинг учун ҳам уларнинг касбий тайёргарлигига ва маълумотига алоҳида этибор бериш зарур. Бунда хар бир ходимнинг камида 2-3 та бир бирига яқин бўлган касбий тайёргарликларни эгаллаши алоҳида аҳамиятга эгадир. Хўжаликда ишловчилар орасида барчаси оилалидир.

Кўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини моддий техник базаси яхши таъминотга эгадир.

5-жадвалда Кўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигини асосий воситалари акс эттирилган. Асосий воситалар деганда- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта катнашиб, ўзининг қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотга қисман ўтказиб борадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар: тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино- иншоотлар, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

Фермер хўжалигида ТТЗ-80-11, ТТЗ-80-10 тракторлари бор. Бундан ташқари 1 та култиватор, 1 та сеялка, 1 та чизел, 1 та текислаш агрегати, 1 та омоч каби мосламалари ҳам бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг техник ҳолати талаб даражасида бўлиб, мунтазам техник текширувлардан ўтказилиб турилади.

5-жадвал

Кўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигини моддий техник базаси.

ТН	Техника тури	Сони	Қолдиқ қиймати	Ҳолати
1	ТТЗ-80-11	1	15.7 млн	Соз
2	ТТЗ-80-10	1	24 млн	соз
3	култиватор	1	0	соз
4	сеялка	1	0	соз
5	Чизел	1	0	соз
6	Текислаш агрегати	1	0	Соз
7	Омоч	1	0	Соз

Манба: Кўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигида асосий воситалар билан таъминланганлик ҳолати қониқарли ҳисобланади. Фермер хўжалигида ТТЗ-80-11, ТТЗ-80-10 тракторлари бор. Бундан ташқари 1 та култиватор, 1 та сеялка, 1 та чизел, 1та текислаш агрегати, 1 та омовчи каби мосламалари ҳам бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг техник ҳолати талаб даражасида бўлиб, мунтазам техник текширувлардан ўтказилиб турилади. Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг умумий сони 36 нафарни ташкил этиб улардан 8 нафари аъзолар, қолган 27 нафари эса шартнома асосида ишлаётганлардир.

Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги раҳбари Рўзиев Баҳодир Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Маъмуробод массивининг Маъмуробод қишлоқ фуқаролар йиғинида 1964 йилда туғилган. Маълумоти ўрта махсус, кўшимча мутахассислиги тадбиркор. 2006 йилдан бошлаб «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигини бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Фермер хўжалигини истиқболдаги ривожланиши кўп жиҳатдан уни жамоасининг касбий тайёргарлиги ва хўжаликдаги мутахассис кадрлардан қай даражада самарали фойдаланишига боғлиқдир. Юқоридагаларни ҳисобга олиб фермер хўжалигида аъзоларнинг касбий тайёргарлигини ва маълумотини ошириш чора тадбирларининг кўриш ўта долзарб масала ҳисобланади. Бу соҳада фермер хўжалиги махсус дастур тузиб уни босқичма-босқич амалга оширилишини таъминланиши лозим, акс ҳолда фермер хўжалигини замон талабларига мос ҳолда ривожлантириш ҳамда уни техник технологик ва иқтисодий мустақиллигини тўла таъминлаш масаласини ижобий ҳал этиш имконияти бўлмайди.

Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигида мавжуд қишлоқ хўжалиги техникалари ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот билан танишиб чиққанимизда ТТЗ - 80 10 ва ТТЗ -80 11 чопиқ

трактор мавжудлигини кўриб ўтдик. Хўжаликда трактор чопиқ ва экишда фойдаланади. Бундан кўриниб турибдики таъминланганлик даражаси кониқарли. Бундан ташқари кузги шудгорлаш ишларида МТП техникаларидан шартнома тузиб фойдаланади.

Хулоса қилиб айтганда фермер хўжалиги фаолиятида қишлоқ хўжалик техникаларига талаб мавжуд. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олишда мукаммал бизнес режадан фойдаланиши керак. Агар бизнес режада қишлоқ хўжалиги техникаларидан оптимал фойдаланиш йўналишлари аниқ қилиб кўрсатилса ва амалда тадбиқ қилинса, истиқболда олинган кредит маблағларини қайтаришга ҳеч қандай қийинчилик туғилмайди. Кейинги бўлимда “Мамуробод баҳори” фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили билан танишамиз.

2.2. Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озиқ-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги соҳаси муҳим саналади. Чунки, қишлоқ хўжалиги асосий саноат корхоналаримизнинг таянчи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади.

Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигин ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий потенциал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг активлиги, уларнинг тажрибаси, шунингдек юқори пировард натижаларга омманинг моддий қизиқишининг ўсиши ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтиради ва рентабелликни ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара»- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин. Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс(харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Бундан кўринадики, самара(натижа) деб аталган абсолют миқдор билан бир қаторда яна бир абсолют миқдор – қўлланилган ёки истеъмол қилинган ресурсларни (жорий ишлаб чиқариш харажатлари) ҳажмини билиш зарур.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий самаранинг (натижанинг) ресурсларга(харажатларга) нисбати ёки аксинча усул билан аниқланади:

$$IS = \frac{C(n)}{P(x)} ; \frac{P(x)}{C(n)}$$

Иқтисодий самарадорлик даражаси қандай баҳодаги ресурслар ҳисобига иқтисодий самарага эришилганлигини билдиради. Самара қанча катта ва харажат шунча кичкина бўлса, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги шунча катта бўлади ва аксинча. Ресурслар ва иқтисодий самарадорлик ўртасида маълум бир алоқа мавжуд. Харажатлар икки хил бўлиши мумкин: жонли ва буюмлашган. Жонли меҳнат, асосий ва моддий айланма воситаларнинг абсолют миқдори ресурслар (харажатлар) сифатида, улар миқдорининг камайиши ва уларни тежаш – иқтисодий самара шаклида кўринади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги моҳияти, унинг критерияси ва кўрсаткичлари орқали амалга ошади.

Хулоса қилиб айтганда самарадорлик ишлаб чиқаришдан кутилган асосий яқунловчи иқтисодий натижа бўлиб у ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий самарадорликка эришиш масаласи айниқса бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш иқтисодий самара берсагина амалга оширилади.

Иқтисодий самарадорлик мураккаб иқтисодий категория бўлиб у бир қатор омилларнинг таъсири асосида шаклланади ва охир оқибатда харажатлар билан даромадларни таққослаш асосида аниқланади. Фермер

хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида баҳоланади.

1. Иқтисодий самарадорликнинг натурал кўрсаткичларига қуйидагиларни киритиш мумкин

1.1. Ҳосилдорлик (маҳсулдорлик)

1.2. Ер бирлиги ҳисобига олинган маҳсулот турлари ва ҳажми

1.3. Меҳнат бирлиги (1 ходим) ҳисобига олинган маҳсулот турлари ва ҳажми

1.4. Ер бирлиги ҳисобига тўғри келадиган минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳажми.

1.5. Асосий воситаларнинг бирлигига тўғри келадиган иш ҳажми ва маҳсулот миқдори.

1.6. Минерал ўғитларнинг (турлари бўйича) бирлиги ҳисобига олинган маҳсулотларнинг ҳажми.

2. Иқтисодий самарадорликнинг қиймат кўрсаткичлари.

2.1 Оддий қиймат кўрсаткичлари яъни баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, ялпи маҳсулот, товар маҳсулот, ялпи даромад, фойда ва шу кабилар.

2.2. Синтетик қиймат кўрсаткичлари. Яъни ер, меҳнат ва иқтисодий ресурслар бирлиги ҳисобига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, фойда, меҳнат унумдорлиги, фонд қайтими, фонд билан қуролланиш, фонд сиғими, рентабеллик ва бошқалар.

Иқтисодий самарадорликни аниқлашда синтетик қиймат кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутadi. Улар ичида эса рентабеллик якунловчи, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб у бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига олинган фойда билан ҳарактерланади.

Кўрғонтепа туманида қишлоқ хўжалиги экинлари олиши мумкин бўлган йиллик ҳарорат ҳамда ёғинлар миқдори етарли бўлиб, экин майдонлари пахта ва ғалла етиштириш талабларига жавоб беради.

Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта, дон ва такрорий экинлар экилади. Фермер хўжалиги тасарруфидаги экин майдонларининг фаолият давомидаги 3 йил мобайнидаги таркиби, экинлар структураси ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотларни юқорида батафсил келтирилган.

6-жадвалда «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигини иқтисодий самарадолиги таҳлил этилган. Таҳлил шуни кўрсатдики охириги уч йилда фермер хўжалигини иқтисодий самарадолиги маълум даражада яхшиланган. Буни биз самарадорликни яқунловчи қисми бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан рентабеллик даражаси 3,2 фоизга ошган. Хўжаликнинг эришган рентабеллик даражаси талабдан паст бўлиб уни оптимал даражага етказаш учун камида 30-35 фоизга кўтариш талаб қилинади. Акс ҳолда фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун етарлича молиявий имкониятларга эга бўлмайди.

6-жадвал

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012 й	2013 й	2014 й	2014йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	54,5	54,5	54,5	100,0
	а) пахта	га	28,6	28,9	28,6	100,0
	б) бугдой	га	25,9	25,6	25,9	100,0
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	82099,6	93602,1	104555,1	127,4
	Шундан иш хаки	м.с	23970,5	24798,3	27376,2	114,2
3	Ходимлар сони	нафар	36	36	36	100,0
4	Ялпи маҳсулот	м.с	98178,2	113853,6	128434,9	130,8
5	Фойда	м.с	16078,5	20251,5	23879,8	148,5
6	Фермер даромади	м.с	40049,0	45049,8	51256,0	128,0
7	1 га хисобига:	м.с	1801,4	2089,1	2356,6	130,8
	а) ялпи маҳсулот					
	б) фермер даромади	м.с	734,8	826,6	940,5	128,0

8	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	2727,2	3162,6	3567,6	130,8
	б) иш хаки	м.с	665,8	688,8	760,4	114,2
9	Рентабеллик	%	19,6	21,6	22,8	+3,2

Манба: «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалиги иқтисодий фаолияти маълумотларидан кўриниб турибдики 2014 йилда 2012 йилга нисбатан фермер хўжалигида иш хаки харажатлари 14,2 физга, фермер хўжалиги даромади 28,0 фоизга орган.

Фермер хўжалиги бошлиғининг ўз соҳада ўз олдига қўйган мақсадлари мавжуд бўлиб уларни амалга ошириш хўжаликни иқтисодий самарадорлигини кескин оширилишини таъминлаш мумкин. Жумладан Истикболда фермер хўжалигини ерини мелиоратив ҳолатини яхшилаш асосида уни унимдорлигини кўрсатиш, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Ундан ташқари фермер хўжалигида истикболда қўшимча тармоқларни ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳам алоҳида этибор бермоқда.

7-жадвалда «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

7-жадвал

**Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигида
пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги**

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	28,6	28,9	28,6	100,0
2	Хосилдорлик	ц/га	29,2	29,2	29,3	100,3
3	Ялпи хосил	ц	835,1	843,9	838,0	100,3
4	Ишлаб чиқариш хара- жатлари	м.с	54684,5	58430,3	61985,4	113,4
	Шундан иш хаки	м.с	16952,2	17412,2	18223,7	107,5
5	Ходимлар сони	нафар	32	33	33	103,1
6	Ялпи махсулот	м.с	59661,0	64156,8	68370,0	114,6

7	Фойда	м.с	4976,5	5726,6	6384,6	128,3
8	Фермер даромади	м.с	21928,7	23138,8	24608,3	112,2
9	1ц пахтани таннархи	сум	65481	69240	73970	113,0
10	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	71440	76026	81589	114,2
11	1 га хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	2086,0	2220,0	2390,6	114,6
	б) харажатлар	м.с	1912,0	2021,8	2167,3	113,4
	в) фермер даромади	м.с	766,7	800,6	860,4	112,2
12	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1864,4	1944,1	2071,8	111,1
	б) иш хаки	м.с	529,8	527,6	552,2	104,2
13	Рентабеллик	%	9,1	9,8	10,3	+1,2

Манба: «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Жадвал маълумотларига кўра охириги уч йилда фермер хўжалигини пахта етиштиришни иқтисодий самарадорлиги барча кўрсаткичлар бўйича ижобий томонга ўзгарган. Буни биз ер бирлиги ва ходим хисобига олинган ялпи махсулот, фермер даромади ва иш ҳақини кўпайганлигидан кўришимиз мумкин. Натижада самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси 9,1 фоиздан 10,3 фоизга кўтарилган.

Фермер хўжалигида эришилган рентабеллик даражасини камида 25-30 фоизга ошириш лозим. Шундагина фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлади.

8-жадвалда фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларни таркиби акс эттирилган.

8-жадвал

Қўрғонтепа тумани «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажатлар	28764,0	52,6	29624,1	50,7	33286,1	53,7
	а) уруглик	1804,6	3,3	5025,0	8,6	5020,8	8,1
	б) уғитлар	6780,9	12,4	7362,2	12,6	9111,9	14,7
	в) Ё.М.М	5851,2	10,7	6836,3	11,7	8120,1	13,1

	г) иш ва хизматлар	5687,2	10,4	4440,7	7,6	5702,7	9,2
	д) бошқа моддий харажатлар	5359,1	9,8	5959,9	10,2	5330,7	8,6
2	Мехнат хаки харажатлари	16952,2	31	17412,2	29,8	18223,7	29,4
3	Ижтимоий ажратмалар	4046,7	7,4	4323,8	7,4	4586,9	7,4
4	Асосий воситалар ва но-моддий активларни эски-риши	3609,2	6,6	5200,3	8,9	3533,2	5,7
5	Бошқа харажатлар	1312,4	2,4	1869,8	3,2	2355,4	3,8
	жами	54684,5	100	58430,3	100	61985,4	100

Манба: «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича сарфланаётган барча харажат турларини ошиб бориши билан бир қаторда уларни таркибида кескин ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан моддий харажатларнинг улуши сезиларли даражада ошмаги ҳолда бошқа харажатларнинг хиссаси мос ҳолда кўпаймоқда, моддий харажатларнинг таркибида ҳам ўзгаришлар содир этилмоқда. Бизни фикримизча хўжаликда моддий харажатлар хиссасини пасайишини ижобий ўзгариш деб қабул қилиш мумкин эмас. Сабаби уни таркибига пахта ҳосилдорлиги бевосита таъсир кўрсатувчи харажатлар кирганлиги учун уларни улушини қисқартирилишига йўл қўймаслик керак.

9-жадвалда «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжаликлари билан пахта етиштиришнинг солиштира иқтисодий кўрсаткичлари берилган.

9-жадвал

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалиги Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжаликлари билан пахта етиштиришнинг солиштира иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчовб ирлиги	Қўрғонтепа тумани бўйича ўртача	Маъмур обод баҳори фермер хўжалиг и бўйича	Қўрғонтепа тумани бўйича ўртача кўрсаткичла рганисбатан ,%
1	Экин майдони	га.	9500	28,6	X
2	Ҳосилдорлик	ц\га	30,6	29,3	95,7

3	Ялпи хосил	центнер	290700,0	838	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сум	21.837.384,0	61985,4	X
6	1 центнер пахтани таннархи	сум	75120	73970	93,8
7	1 центнер пахтани сотиш бахоси	сум	81360	81589	100,7
8	Ялпи маҳсулот	м.сум	23651352	68370,0	X
9	Фойда	м.сум	1813968,0	6384,6	X
10	1 га хисобига:				
	а)харажатлар	м.сум	2298,7	2167,3	88,2
11	а) ялпи маҳсулот	м.сум	2489,6	2390,6	89,9
12	б) фойда	м.сум	190,9	223,2	109,4
13	Рентабеллик	%	7,4	10,3	+2,0

Манба: «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Агарда фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича сарфланаётган барча харажат турларни ошиб бориши бир оз бўлсада қисқартиришга эришилса фермер хўжалиги фойдаси янада ортишига эришиш мумкин.

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида бир қатор кўрсаткичлар Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжаликларига қараганда юқори бўлгани ҳолда гектар хисобига тўғри келадиган фойда ҳажми ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари пастдир. Бу ҳолат рентабелликда ўз аксини тўла топган, яъни фермер хўжалигини эришилган рентабеллиги Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжаликларининг кўрсаткичидан 2 фоизга юқори.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш харажатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади.

Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш харажатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики,

фойданинг даражаси юқори ва харажатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади. Мазкур фермер хўжалиги охириги йилларда буғдой етиштириш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Буғдойнинг экин майдонларига мос навлари танланиб, хосилдорликни оширишга ҳаракат қилинмоқда. Шунга қарамай фермер хўжалигида харажатларни паст даражада бўлиши талаб этилмоқда.

Буғдой етиштириш бўйича ҳам хўжаликнинг самарадорлиги талаб даражасидан пастдир. Буни самарадорликнинг асосий яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини бор йўғи 41,1 фоизни ташкил этиши буни исботлаб турибди. Бу эса фермер хўжалигининг умумий иқтисодий кўрастқичларига таъсир этаётганини кўрсатмоқда.

Қуйидаги 10-жадвалда Маъмуробод баҳори фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

10-жадвал

Кўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	25,9	25,6	25,9	100,0
2	Хосилдорлик	ц/га	50,0	55,0	62,0	124,0
3	Ялпи хосил	ц	1295	1408,0	1605,8	124,0
4	Ишлаб чиқариш хара-жатлари	м.с	27415,2	35171,8	42569,8	155,3
	Шундан иш хақи	м.с	7018,3	7386,1	9152,5	130,4
5	Ходимлар сони	нафар	4	3	3	75,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	38517,2	49696,8	60064,9	155,9
7	Фойда	м.с	11102,0	14524,9	17495,2	157,6
8	Фермер даромади	м.с	18120,3	21911,0	26647,7	147,1
9	1ц буғдойни таннархи	сум	21170	24980	26510	125,2
10	1ц буғдойни сотиш баҳоси	сум	29743	35296	37405	125,8
11	1 га хисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	1487,2	1941,3	2319,1	155,9
	б) харажатлар	м.с	1058,5	1373,9	1643,6	155,3
	б) фермер	м.с	699,6	855,9	1028,9	147,1

	даромади					
12	1 ходим хисобига: а) ялпи махсулот	м.с	9629,3	16565,6	20021,6	207,9
	б) иш хаки	м.с	1754,6	2462,0	3050,8	173,9
13	Рентабеллик	%	40,5	41,3	41,1	0,6

Манба: «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Бугдой етиштириш бўйича хўжаликнинг самарадорлиги йилдан йилга ортиб бормокд, лекин ҳали бу талаб даражасидан пастдир. Буни самарадорликнинг асосий яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини бор йўғи 41,1 фоизни ташкил этиши буни исботлаб турибди.

Иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражаси кейинги йилларда ошган, яъни 40,5 фоиздан 41,1 фоизга кўтарилган. 2012 йилга нисбатан оладиган бўлсак бу кўрсаткич 0,6 фоизга кўтарилганини кўришимиз мумкин.

Хўжалик бугдой етиштириш бўйича камида 55-60 фоиз рентабелликка эришиши чора-тадбирларни кўриши лозим.

11-жадвал

Кўргонтөпа тумани Маъмуробод баҳори фермер хўжалигида бугдой етиштириш ҳаражатлари ва уларнинг таркиби

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажатлар	16970,0	61,9	23565,1	67	28479,2	66,9
	а) уруглик	3152,7	11,5	4220,6	12	4938,1	11,6
	б) угитлар	4715,4	17,2	6506,8	18,5	7620,0	17,9
	в) Ё.М.М	3235,0	11,8	4326,1	12,3	5321,2	12,5
	г) иш ва хизматлар	4112,3	15	6401,3	18,2	7875,4	18,5
	д) бошка моддий харажатлар	1754,6	6,4	2110,3	6	2724,5	6,4
2	Мехнат хаки харажатлари	7018,3	25,6	7386,1	21	9152,5	21,5
	Ижтимоий ажратмалар	1151,4	4,2	1406,9	4	1830,5	4,3
4.	Асосий воситалар ва но-моддий активларни эски-риши	1041,8	3,8	1406,9	4	1489,9	3,5
5	Бошка харажатлар	1233,7	4,5	1406,9	4	1617,7	3,8
	жами	27415,2	100	35171,8	100	42569,8	100

Манба: «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Юқоридаги жадвалда биз буғдой етиштиришнинг харажатларига тўхталиб ўтамиз. 11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли қисмини моддий харажатлар эгаллайди ва 2012-2014 йилларда мос ҳолда 61,9 ва 66,9 фоизни ташкил қилган. Моддий харажатлар таркибига эса, маълумки, бевосита ҳосилдорликка таъсир этувчи уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, иш ва техник хизматлар, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби харажатлар киради.

Уруғлик учун харажатлар 2012 йилда 3152,7 минг сўм, 2014 йилда 4938,1 минг сўмни ташкил қилиб, мос даврлардаги умумий харажатларда 11,5-11,6 фоизни ташкил қилган.

12-жадвалда «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжалиги билан буғдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари берилган.

12- жадвал

Қўрғонтепа тумани Маъмуробод баҳори фермер хўжалигини Қўрғонтепа тумани билан буғдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари. (2014 й)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қўрғонтепа тумани бўйича	Маъмуробод баҳори фермер хўжалиги бўйича	Қўрғонтепа тумани бўйича ўртача кўрсаткичлари га нисбатан ,%
1	Экин майдони	га.	9022	25,9	X
2	Ҳосилдорлик	ц/га	65,7	62,0	94,3
3	Ялпихосил	центнер	592745,4	1605,8	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.сўм	15638994,6	42569,8	X
5	Шундан: иш хаки	м.сўм	2257,4	9152,5	X
6	1 центнер буғдойни таннари	Сўм	26384	26510	100,4
7	1 центнер буғдойни сотиш баҳоси	Сўм	36690	37405	101,9
8	Ялпи маҳсулот	м.сўм	21747828,7	60064,9	X
9	Фойда	м.сўм	6108834,1	17495,2	X
10	1 гахисобига:				

11	А) ялпимахсулот	м.сўм	2410,5	2319,1	96,2
12	Б) фойда	м.сўм	677,1	675,5	0,99
13	Рентабеллик	%	38,3	41,1	+2,8

Манба: «Маъмуробод баҳори» фермер хўжалиги маълумотлари

Жадвал кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида бир қатор кўрсаткичлар Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжаликларига қараганда юқори бўлгани ҳолда гектар ҳисобига тўғри келадиган фойда ҳажми ва маҳсулот таннархи кўрсаткичлари пастдир.

Бу ҳолат рентабелликда ўз аксини тўла топган, яъни фермер хўжалигини эришилган рентабеллиги Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжалигининг кўрсаткичидан 2,8 фоизга юқори. Яъни Қўрғонтепа туманидаги фермер хўжаликларининг кўрсаткичи 38,3 фоиз, “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигида рентабеллик 41,1 фоизни ташкил этади.

2.3. Фермер хўжаликларида пахта ва дон маҳсулотлари етиштиришни агротехнологиясини ташкил этиш.

Фермер хўжаликларида пахта ва дон маҳсулотлари етиштиришни агротехнологиясини ташкил қилишда нав алмаштириш ва янги навларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорликка катта таъсир кўрсатади.

Нав алмаштириш деб, бирор экиннинг фойдаланиб келинаётган эски навларни серҳосил ва маҳсулотнинг технологик сифатлари анча яхши бўлган, янги районлаштирилган (давлат реестрига киритилган) навлар билан алмаштиришга айтилади.

Нав алмаштириш уруғчиликдаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Нав алмаштириш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси қарори билан янги навларни Давлат нав синовининг натижаларига мувофиқ ўтказилади.

Ҳар бир нав алмаштириш у ёки бу экинни яхшиланишида сифат жиҳатдан янги босқич, анча юқори даража ҳисобланади. Янги нав ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан экиннинг ҳосилдорлиги сезиларли даражада кўтарилади.

Нав алмаштиришнинг самарадорлиги пахтачиликда жуда яққол кўзга ташланади. Бу экин бўйича мамлакатимизда беш марта нав алмаштириш ўтказилди. Ҳар бир нав алмаштириш ва ишлаб чиқаришга янги навларни жорий этиш эвазига ғўза ҳосилдорлиги 5-15%, баъзан 20% ёки ундан ҳам ортиқ кўпайди.

Биринчи навалмаштириш 1922 йилда бошланиб 1929 йилда тугади. Бу даврда ғўза ва завод аралашмалари ўрнига селекцион навлар экила бошланди. Шулардан кўп тарқалган юқори ҳосилли йирик кўсакли Навроцкий нави экилиб, унинг майдони 1 млн. гектарга етган эди. Бу нав билан бирга Триумф Навроцкого деган нав ҳам экилган.

Биринчи нав алмаштириш натижасида ҳосилдорлик 15-20%, толанинг чиқиши миқдори 31-32% ошди. (биринчи нав алмаштиришгача ғўзанинг ҳосилдорлиги 15 ц эди. 5-нав алмаштиришда эса 30 ц дан ошиб кетди)

Навроцкий нави ва ўша даврдаги навларнинг толаси калта бўлган (26-28,5 мм), бундай тола тўқимачилик талабларига жавоб бермас эди. Шу билан бирга уруғчилик ишлари паст даражада бўлганлиги натижасида уруғчилик қоидалари бузилиши, уруғларнинг далаларда ва заводларда аралашиб кетиши натижасида 1933 йилда уруғлик материалининг наводорлиги 46 фоиздан ошмас эди.

Марказий селекция станция селеционерлари томонидан Навроцкий навидан – ҳосилдорлиги ва асосий хўжалик белги ва хусусиятлари жиҳатидан, айниқса толанинг чиқиши ва сифати бўйича анча яхши навлар яратадилар.

Иккинчи нав алмаштиришда С.С.Канаш томонидан яратилган 8517-Колхозник, Я.Д.Нагибин яратган 8196 ва 2304, П.В.Могильников (П.П.Шредер материалларидан) яратган 36 М2 навлари қатнашди.

Иккинчи нав алмаштириш қисқа муддатда амалга оширилди – 1937 йилда (2-4 йил давомида). Бунда энг кўп тарқалган нав 8517 эди, бу нав юқори технологик сифатларга эга бўлиб 736 минг гектар ерга экилган.

Иккинчи нав алмаштириш Ҳосилдорликни 10-15 %га, тола чиқишини 3-4 фоизга, толанинг узунлигини 3-4 фоизга оширди.

1934 йилга келиб, уруғчиликнинг яхши ташкил қилинганлиги нав тозалигини 97 фоизга кўтарди.

1930 йилда Ўзбекистон ва Туркменистонга ғўзанинг Мисрдан Пима, Сакель, Пилион ва бошқа навлари келтирилади.

1932 йилдан бошлаб Мисрнинг яхшиланган Пима ва Маарад навлари хўжаликларда экила бошлади. Шундай қилиб дастлабки йилларда Миср навларининг интродукцияси ва иқлимлаштирилиши асосида ингичка толали ғўза навлари Ўрта Осиёга жорий қилинган эди.

Миср ғўза навлари Янович, Ашмуни ва Пималарда якка танлашлар ўтказилиб юқори Ҳосилли тез пишар маҳаллий шароитда 2ИЗ, 35-1, 35-2, 23 каби навлар яратилиб жорий қилинди.

Учинчи нав алмаштириш 1944 йилга мўлжалланган бўлиб бунда асосий майдонни 560 минг гектар эгаллаган нав С-460 (С.С.Канаш томонидан яратилган) эди.

С-460 нави Ҳосилдорлиги жиҳатидан ва толанинг чиқиши билан 8517 навидан анча яхшироқ бўлиб, вертициллез сўлиш касаллигига чидамлиги билан фарқ қилар эди.

Лекин, эрта пишарлиги етарли бўлмаганлиги учун С-460 нави ишлаб чиқаришни қаноатлантира олмади. Унинг ўрнига янги навлар, қисқароқ вегетация даври бўлган навлар экилади. Булар 108-Ф, С-450-455, 137-Ф, 138-Ф ва бошқалар. Улар орасида энг яхши натижа берган Андижон тажриба станциясида селекционер Л.Румшевич томонидан яратилган 10Ф-Ф нави кенг тарқалди ва Республиканинг пахтачилик районларини аксарият майдонинин эгаллади.

Тўртинчи нав алмаштиришда (1947-1960 йил) баланд мосланувчанлик эрта пишар юқори Ҳосилли вилтга чидамли 108-Ф навини жорий этиш ишлари ўтказилади.

Бу ғўза экини майдонини 1950 йил -45%, 1955 йил -68%, 1960 йил – 70 %ни ташкил этади. С-460 навига нисбатан 108-Ф нави 5-15 % кўпроқ ҳосил берадиган асосан, совукгача бўлган ҳосилдир.

Тўртинчи нав синашда эрта пишар С-3173, С-2210 (В.Кокуев), 611-б (А.Т.Светашев, Я.Е. Пензин) навлари яратилиб, асосан пахтачиликнинг шимолий районларида катта майдонларга экилади.

Қорақолпоғистонда (Г.И.Гаврилов) КК-351, КК-1086, КК-1543, КК-1083 навлари яратилди, бу навлар 108-Ф навига нисбатан 11-16 кун эртароқ пишадиган бўлиб, 1955-1961 йилларда Қорақолпоғистоннинг шимолий районларида катта майдонларда экилади.

Б.П.Страумал, А.И.Тишин ва А.Я.Кузнецова (ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтутида) ғўзанинг С-4727 навини яратадилар. Бу нав 108-Ф навига нисбатан 8-10 кун эртароқ пишадиган тола чиқиши кўпроқ бўлиб, 1961 йилда районлаштирилади.

Л.А.Туркс ва В.Я.Буткова (Андижон тажриба станциясида) 149-Ф навини яратадилар. 149-Ф нави 108-Ф навидан эртароқ пишадиган (2-3 кун), тола чикими кўпроқ (+05 %) ва энг муҳими толаси узунроқ (2-3мм). Бу нав 1960 йилда районлаштирилиб Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Туркменистон, Қирғизистонда экилади.

1961 йилда ғўзанинг бешинчи нав алмаштирилиши бошланди.

1965 йилда 153-Ф нави районлаштирилади (Л.А. Туркс ва В.Я. Буткова) бу нав юқори ҳосилли, тола чиқиши баланд – 40% бўлиб чигити яланғочдир.

Ќўзанинг ўрта толали юқори ҳосилли, яхши сифатли вилт касаллигига чидамли Тошкент 1, Тошкент 3, Тошкент 4, Тошкент 6 навларини селекцияда узоқ формаларни дурагайлаш асосида яратилди.

Селекционер Содик Мирахмедов илмий ходимлари билан биргаликда ғўзанинг С-4727 навини менсиканум ёвойи ғўза билан беккросс чатиштириш ва танлаш асосида Тошкент типигаги навларни яратади.

Кейинчалик, Тошкент 1 нави қимматбаҳо бошланғич материал сифатида кенг қўлланилиб, Октябрь-60 А.Н. Баявут-2, Андижон-2 каби навлар яратилади.

Вилтга чидамли Тошкент типигаги навлар кўп йиллар Республиканинг асосий майдонларини эгаллаб келди ва Ҳозирги вақтда ҳам катта майдонларга экилмоқда.

Нав алмаштириш ўтказиш натижасида Ҳозирги вақтда селекционерлар олдига ғўза, донли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг серҲосил, тезпишар, кескин ўзгарувчан шароит ва касалликларга чидамли навларни яратиш вазифаси қўйилиб пахтачилик бўйича 50-60 ц Ҳосил берувчи тола чиқиши 33 % ва ундан юқори, чигитнинг ёғлилик даражаси 18 ва ундан юқори фойзни ташкил этувчи, ўсув даври 100-110 кун бўлган ўрта толали ва 115-120 кунлик ингичка толали, тола узунлиги ва пишиқлиги I, II, IV, V типларига мансуб касалликларга ва кескин ўзгарувчи шароитларга чидамли ғўза навларини яратиш вазифаси қўйилган.

1988-2000 йилларда ғўзанинг янги ва истиқболли Гулбаҳор, Меҳр, Хазина, Оқдарё – 6, Омад, АН-417, Термиз-32 ва бошқа навлари ишлаб чиқаришга жорий қилиниши режалаштирилган эди.

Ғалла ва бошқа экинлар бўйича 1998-2000 йилларда донли экинлари селекциясининг устувор йўналишлари – серҲосил, тезпишар, интенсив типигаги кескин ўзгарувчан шароитларга чидамли навларни яратишдан иборат. Шолининг ўрта пишар серҲосил “Мустақиллик” ва “Истиқлол”, дукакли дон экинларидан соянинг тезпишар “Орзу” ва мошнинг “Қахрабо” навлари районлаштирилди.

Шолининг Нукус-2, Авангард-2, Лазур ва Узрос 713 навларини экиш билан бирга, Гулзор, Аланга, Жайхун навлари экиладиган майдонларни кенгайтириш мўлжалланган.

Буғдойнинг Юна, Скифянка, Купава, Офелия ва бошқа серҲосил навлари суғориладиган майдонларда ва Суршок 5688, Оқ-буғдой, Санзар-6, Лалмикор ва Красновадонад-21 навлари лалмида етиштирилади.

Нав янгилаш асослари. Экинларнинг ишлаб чиқаришдаги барча навларига хос Ҳосилдорлик ва қимматли хўжалик биологик белги ва хусусиятларни бошланғич ҳолатда сақлаш учун уларнинг уруғини ўз вақтида янгилаб туриш

талаб этилади. Нав янгилаш (уруғ алмаштириш) деб экилиб келинаётган бир навнинг Ҳосилдорлик, маҳсулот сифати ва биологик хусусиятлари пасайганидан сўнг, шу навнинг махсус усуллар ёрдамида янгиланган сифатли уруғлари билан алмаштирилиб экилишига айтилади. Нав янгилаш ҳам нав алмаштириш каби уруғликнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, катта иқтисодий аҳамиятга эга. Нав янгилашни тўғри ташкил қилиш ва ўз муддатида ўтказиш навнинг элита уруғларини узлуксиз етиштириш билан боғлиқ.

Нав янгилаш апробация маълумотларига асосланиб ёки яхшиланган элита уруғлари етиштириб чиқарилганда, шунингдек уруғнинг сифатидан қатъий назар олдиндан белгиланган муддатда даврий равишда ўтказилиб берилади. Турли мамлакатларда ва ҳар хил экинларда нав янгилаш ҳар хил муддатда ўтказилади. Масалан Россиянинг айрим вилоятларида нав янгилаш 4-5 йилда бир марта ўтказилади.

Украинада (Киев вилоятида) донли экинлар бўйича нав янгилашни ҳар йили, Молдавияда 2 йилда бир марта, Литвада ва бизнинг мамлакатимизда 5 йилда бир марта ўтказиш белгиланган.

Нав янгилашнинг муддати кўпинча элита уруғлари жамоа, ширкат хўжаликларида кўпайтирилганда ҳар бир кейинги репродукция ўзининг Ҳосил сифатини йўқотиб, тез бузилиб бориши, шунингдек, уруғларни етиштириш имкониятлари ҳисобга олиниб, тавсия этилади. Бироқ экиш учун тавсия этилган элита уруғлари олдингиларига нисбатан Ҳосилдорлиги бўйича устун бўлмаса, у ҳолда нав янгилашни уруғ бошқа нав ва экинлар уруғи билан ифлосланганда, касалланганда ёки апробация пайтида яроқсиз деб топилганда ўтказиш лозим.

Нав янгилаш муддатини белгилашда ҳар доим нав қанча вақт ичида қандай тезлик билан ўзининг Ҳосилдорлик сифатини пасайтириб ёмонлашиб кетади деган савол туғилади. Навнинг ёмонлашиши ўсимликнинг ирсиятига боғлиқ. Ирсият барқарор бўлса, уруғ кўпайиши жараёнида нав бир қанча бўғинлар давомида ўзининг белги ва хусусиятларини мустаҳкам сақлаб қолади. Буни

донли ва бошқа экинларнинг эски маҳаллий навларидан якка танлаш йўли билан яратилган ва кенг тарқалган селекцион навлар мисолида кўриш мумкин. Арпанинг Венер, сўлининг Победа, Жавдарнинг Вятка навлари 40-50 йилдан ортиқ давр давомида катта майдонларда экилмоқда ва уларда ҳеч қандай бузилиш аломатлари сезилмайди. Картошканинг кенг тарқалган Ранняя Роза нави бундан 115 йил илгари (1887 йил) яратилган. Ғўзанинг 108-Ф нави ҳам катта майдонларда 50 йилдан ортиқ давр ичида экилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Навлар тўғри агротехника шароитида ҳосил сифатини ифодаловчи биологик хусусиятларини ва морфологик белгиларини узоқ вақт давомида мустаҳкам сақлаб қолади.

Илмий-тадқиқот муассасаларида нав ичида ўзгарувчанликдан фойдаланиб қайта якка танлаш ўтказиш билан донли экинларининг кенг тарқалган навларини яхшилаш ишлари ҳеч қандай натижа бермаганлиги бу навлар, айниқса линияли навлар жуда барқарор ирсиятга эга эканлигини кўрсатди. Демак, ичидаги ўзгарувчанликдан фойдаланиб янги нав яратиш ёки яхшиланган элита уруғларини етиштириш самара бермайди.

Уруғларни юқори агротехника шароитларида етиштирганда уларнинг ҳосилдорлик сифати мустаҳкам сақланиб қолар экан.

Пахта етиштириш агротехник тадбирларга эътибор бериш натижасида ялпи ҳосилни 5 фоизга ошириш имконига эришилади .

1. Экин экиладиган пахта майдонларига сифатли ишлов бериш.
2. Пахта экинларига шарбат билан суғорилса ҳосил нақадар тез ривожланади балки банди бақувват бўлади, пояси катталашади, далада нам сақлаш имкони кенгаяди.
3. Пахта етиштиришда учрайдиган хашорат ва касалликларга қарши биологик ҳамда кимёвий курашларни олиб бориш. Ушбу тадбирларни амалга ошириш ҳисобига етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш, нобуд бўлишини олдини олиш имконини беради.

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигида пахта етиштиришни ташкил этишга таъсир этувчи омилларга етарлича эътибор берилса, маҳсулот миқдори кўпаяди, сифати яхшиланади, маҳсулотни рақобатбардошлиги ортади, таннархи камаяди, даромад ва фойда ортади, аъзоларни турмуш шарт-шароити яхшиланади.

3-боб. Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида фермер хўжаликларини молиявий таъминлаш йўналишлари.

3.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини молиявий таъминлаш йўллари.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари иш жараёнларини юргизишда учрайдиган энг катта қийинчиликлардан бири, кўп ҳолларда уларда етарли миқдорда маблағ мавжуд эмаслигидир. Бу муаммони ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири кредит олиш ҳисобланади.

Кредитни бошланғич капитал учун олиш дегани Сизга кимдир пулни қарзга беришини аниқлатади. Сиз кредит бўйича фоизларни тўлашингиз ва кредитни ўзини қайтариб беришингиз керак бўлади. Кредитни маълум қисмлар кўринишида бўлиб-бўлиб ёки бутун суммасини бирданига кредит берган муассаса билан келишилган ҳолда қайтариш мумкин.

Агар сиз кредитни бошланғич капитал учун олаётган бўлсангиз – бу сизнинг бизнесингиз учун ўз маблағларингиздан фойдаланганингизга нисбатан оғирроқ келади. Маълум муддатга фоизларни ва балки кредитни бир қисмини, тўлашга тўғри келади. Бу ҳамиша янги бизнес учун қийинчиликни аниқлатади, шунинг учун одатда янги ишни бошлаш учун камроқ қарзга пул олиш керак.

Ўзбекистонда бошланғич капиталини шакллантириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун молиявий маблағларни қарзга олиш манбалари бўлиб: Тижорат банкларининг кредит ресурслари; бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари (Бандликка кўмаклашиш фонди, Фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди), халқаро ташкилотларнинг тижорат банклари орқали бериладиган маблағлари, микрокредит ташкилотларининг маблағлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини молиялаштириш кредитлаш, микрокредитлаш, бошланғич капитали шаклланишини кредитлаш шаклларида бўлиши мумкин. Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари орқали берилади. Бюджетдан ташқари фонднинг кредит линияси — бу бюджетдан ташқари фонд томонидан тижорат банкига кичик бизнес субъектларини фақат маълум мақсад учун бериладиган маблағлардир.

“Микромолиялаштириш тўғрисидаги” Қонун микромолиявий хизматлар турларини, шу жумладан микроқарз, микрокредит ва микролизингни белгилайди. Микромолиявий хизматлар тижорат банклари ҳамда микрокредит ташкилотлари томонида кўрсатилиши мумкин.

Микроқарз микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилиқ ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилиқ шарти асосида ҳам бериладиган пул маблағларидир.

Микрокредит қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилиқ, муддатлилиқ ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир. Микрокредит қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида (мақсадли микрокредит) берилиши мумкин.

Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир.

Микролизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади.

Микромолиявий хизматлар бўйича улар қайтариб берилишини таъминоти сифатида қуйидаги таъминот турлари ишлатилиши мумкин:

- Мулк гарови
- Учинчи шахслар кафиллиги
- Банк ёки суғурта компанияси кафолати
- Суғурта компанияларининг қарздор томонидан кредит ёки у бўйича қарз қайтариб берилмаслиги хавф-хатарини суғурталаш бўйича суғурта полиси
- Қонун бўйича қарздор олинган микрокредит ёки микроқарз суммасини муддатдан олдин тўлашга ва фоизларни микрокредит ёки микроқарздан ҳақиқатда фойдаланган кунлари учунгина ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақлидир.

Кредит ташкилотининг (банк ёки микрокредит ташкилоти) талабларига боғлиқ ҳолда кредитни расмифлаштириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин:

1. Кредит талабномаси;
2. Бизнес режа, пул оқимлари таҳлили шартли равишда тақдим қилиниши шартли билан;
3. Давлат солиқ идораси томонидан тасдиқланган охириги ҳисобот санасига бўлган бухгалтерия баланси, унга иловада дебиторлик ва кредиторлик қарзининг расшифровкаси ва 90 кундан ортиқ қарзлар бўйича маълумотларни солиштириш акти;
4. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

5. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
6. Айланма маблағларининг айланиш тезлиги ҳисоб-китоби;
7. Бошқа кредиторлардан қарзи мавжудлиги тўғрисидаги маълумот ва бошқа банклардаги сақланаётган ишлатилмаётган маблағлар тўғрисида маълумот;
8. Бошқа корхоналарни шакллантиришда ўз капитали билан иштирок қилиши тўғрисида маълумот;
9. Кредит таъминланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар.

Кредитлашнинг асосий кўрсаткичлари (шартлари) қуйидаги тушунчаларни ўз ичига олади: Кредитнинг асосий қарзи (ёки асосий суммаси), кредитни бериш суммаси (бошланғич сумма), кредит муддати, фоиз ставкаси, гаров таъминоти тури, гаров таъминоти суммаси (одатда кредит суммасига нисбатан 120% кам бўлмаслиги керак), кредит ажратилишининг минимал ва максимал суммаси, кредит бўйича имтиёзли муддат, кредит бўйича асосий қарзни ва фоизларни тўлаш (сундириш) графиги (бир хил меъёрга, асосий қарзнинг бир хил суммаларида ва х. бўлиши мумкин), кредит валютаси, кредит бериш шакли (нақд ёки нақдсиз), кредитлар бериладиган мақсадлар.

Мисол: Микрокредитбанкнинг микрокредитлаш шартлари Микрокредитлар кичик тадбиркорлик субъектларига иккита йўналишда ажратилади:

- Бошланғич капитални шакллантириш учун;
- Бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларини тўлдириш Микрокредит бошланғич капиталини шакллантириш учун кичик тадбиркорлик субъектларига улар томонидан кредит олишга талабнома уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан кейин 6 ой муддат тугагунча йилига 3% ставка бўйича муддати 18 ойгача қуйидаги миқдорларда берилади:
- 50 минимал иш ҳақининг миқдоригача— юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун;

- 100-минимал иш ҳақининг миқдоригача — микрофирма ва деҳқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга);

- 200-минималиш ҳақининг миқдоригача - фермер хўжаликлари учун.

Бизнесни ривожлантириш (кенгайтириш) ва айланма маблағларини тўлдириш учун микрокредитлар:

- Микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун:

- МИҚДОР 500-минималиш ҳақининг миқдоригача ;

- МУДДАТ 24 ойгача;

- ФОИЗ СТАВКАСИ -Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялатириш ставкасининг 50 %.

Микрокредитлар кичик бизнеснинг қуйидаги тадбиркорлик турларига:

- Хусусий тадбиркорлик;

- Юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиги;

- Фермер хўжалиги;

- микрофирма;

- кичик корхона.

Микрокредит олиш учун қарздор томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар:

- микрокредит олишга талабнома;

- бизнес-режа пул оқимлари прогнози келтирилганлиги шарти билан;

- микрокредитни қайтариш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, шу жумладан қонунчилик билан белгиланган тартибда тўлдирилган бухгалтерия ва молиявий ҳисобот.

Бизнес-режаларга қўйиладиган асосий талаблар:

- Тақдим қилинадиган бизнес-режа микрокредит олишга талабнома бериш санасидан олдин 60 кундан кўп бўлмаган муддат ичида тузилган бўлиши керак;

- Кредит олишдан олдин Микрокредитбанкга мурожаат қиладиган тадбиркорлар Микрокредитбанк томонидан ташкил қилинадиган семинарларга бепул асосда қатнашади.

Микрокредит таъминоти сифатида қуйидагилар олиниши мумкин:

- Гаров шаклида расмийлаштириладиган ликвидтоварлар, чет эл валютаси ва бошқа валюта қимматликлари турлари;
- Юқори ликвидликга эга бўлган қимматбаҳо қоғозлар;
- Банк фойдасига расмийлаштирилган учинчи шахслар кафиллиги. Кафил бўлиб фақат тўлов қобилиятига эга бўлган ҳеч доғ тушмаган номга эга бўлган юридик шахслар бўла олади.

Такдим қилинадиган микрокредит суммаси гаровга қўйилган мулк қийматининг 80%дан юқори бўлишига йўл қўйилмайди. Гаров нарсалари – транспорт воситалар, кўчмас мулк объектлари –йўқотиш ва зарар етказилиши ҳолатларидан қарздор ҳисобидан суғурта қилинган бўлиши керак Микрокредитлардан ишончли асосда фойдаланиш.

Ишончли асосда микрокредитлар фақат қониқарли кредит тарихига эга бўлган ва учта олдин олинган кредитлар бўйича ўз вақтида тўловларни амалга оширган қарздорларга берилиши мумкин.

Кредитларни ишончли равишда беришда келгуси тўловлар бўйича таъминот сифатида қарздор томонидан кредит суммасига нисбатан 20% ташкил қиладиган мажбурий жамғарма депозити қўйилади, унга банк фоизларни ҳисоблайди.

3.2. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида лизинг хизматида фойдаланиш.

Бугунги кунда лизинг фаолияти соҳаси Ўзбекистонда иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Лизинг ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги ўзига хос кўприк бўлиб, бунда ишлаб чиқарувчи ўз ишлаб чиқарган маҳсулотини лизинг орқали тезда сотиш, истеъмолчи корхона эса, лизинг ёрдамида кам маблағ сарфлаш орқали янги техника олиш ва ўз машина-трактор паркени жадал янгилаш имкониятига эга бўлади.

Лизинг деганда, одатда, шартнома муддати давомида мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида сақланиб қоладиган, ижарага берувчи томонидан

ижарага оловчи учун, ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида харид қилинган машина ва ускуналарнинг узоқ муддатли ижараси тушунилади.

Ўзбекистонда лизинг соҳасининг ривож учун яратиб берилган имконият ва имтиёзлар ҳамда лизинг бозорининг ҳозирги ҳолати Ҳозирги вақтда республикамиз лизинг бозорида жами 87 та корхона ва ташкилот лизинг фаолияти билан шуғулланаётган бўлиб, шундан 46 тасини ихтисослашган лизинг компаниялари, 23 тасини тижорат банклари ва 18 тасини бошқа корхоналар ва кичик молиявий муассасалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ҳамда яратилаётган қулай шарт-шароитлар лизинг соҳасини республикамизда жадал ривожланишида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, лизинг фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг уч йил муддатга фойда солиғидан ёки лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилганлиги; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ лизинг фаолияти билан шуғулланувчи кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг 2014 йилнинг 1 январигача муддатга даромад солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ: Лизинг тўловларини - қўшилган қиймат солиғидан; лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналарини - божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан; лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан озод қилинганлиги; республикамизда лизинг фаолияти билан шуғулланиш учун қулай қонунчилик базасининг яратилганлиги, шулар жумласидандир.

Республикамизда яратилган ана шундай қулай муҳит натижасида лизинг фаолияти йилдан-йилга тўхтовсиз ривож топиб бормоқда. Қишлоқ

хўжалигини модернизациялаш соҳасида лизинг хизматлари кўрсатиш бўйича “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компаниясида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини фойдаланувчилар томонидан лизинг орқали харид қилиниши ўз қулайлиги ва мақбуллигини кўрсатмоқда. Бу, Ҳукуматимиз томонидан лизинг соҳасида яратилган имтиёзлари натижасидир.

Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ҳамда ҳудудий “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятлари учун “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси хизматидан фойдаланишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган. Бу имтиёзларга - лизинг объекти қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлаб берилиши, тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларининг фермер хўжаликларига ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги машина-трактор паркларига 10 йил муддатга, бошқа вилоятлардаги машина-трактор парклари ва “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятларига 7 йил муддатга лизингга берилиши, лизинг фоизи йиллик миқдорининг Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги киради.

Компаниянинг асосий мижозлари:

- фермер хўжаликлари;
- машина-трактор парклари;
- “Қишлоқхўжаликкимё” компаниясининг ҳудудий (вилоят ва туман) бўлинмалари;
- “Агротехсервис” корхоналари;
- ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан иборатдир.

Компания томонидан лизинг операциялари амалга оширилишида қуйидаги лизинг шартлари қўлланилади:

Тракторлар ва комбайнлар учун:

- аванс - техника қийматининг 15 % миқдорида;

- лизинг муддати – 10 йил;
- лизинг даромади фоизи – Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ошмайди.

Бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникалари учун:

- аванс - техника қийматининг 20-40 % миқдорида;
- лизинг муддати – 3 йилгача;
- лизинг даромади фоизи лизинг шартномаси шартлари асосида белгиланади.

Компания республика қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғининг маҳаллий ва қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган 38 турдаги қишлоқ хўжалик техникаларини қишлоқ хўжалигига лизинг асосида етказиб беришда.

Компания ўз фаолиятини бошлаган 2000 йилдан бошлаб ўтган давр мобайнида республикамиздаги 29 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарига жами 590 млрд. сўмлик қийматдаги 42 минг 890 донадан ортиқ ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини лизингга етказиб беришни амалга оширди.

Лизингга етказиб берилган техникалар қиймати бўйича таҳлил қилинганда 2013 йилда Компания томонидан 133,2 млрд. сўмлик қийматдаги техникалар лизингга етказиб берилган бўлиб, бу 2011 йилдаги (48,9 млрд. сўм)га нисбатан 2,7 баробарни ташкил этади. 2014 йилда 167,7 млрд сўм қийматдаги ёки 2011 йилдагига нисбатан 26,0 фоизга кўп қийматдаги техникалар лизингга етказиб берилди.

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизингга етказиб берилаётган қишлоқ хўжалик техникалари турлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда 18 турдаги техникалар лизингга етказиб берилган бўлса, 2011 йилда 30 хил турга, 2014 йилда эса 38 турга етказилди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига техника етказиб беришда қуйидаги 3 турдаги иқтисодий механизмдан фойдаланилмоқда:

- лизинг компанияси томонидан қарз (кредит)га олинган маблағ ҳисобидан лизинг объектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;
- тижорат банклари томонидан Марказий банкдан олинган кредит ёки ўз маблағи ҳисобидан лизинг объектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;
- тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхонасига техника сотиб олиш учун кредит ажратилиши.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан лизингга бериладиган Техникалар нархига Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 майдаги 126-сонли қарорига асосан 8,14% чегирма қўлланилиши белгиланган.

Техника (лизинг объекти)ни лизингга расмийлаштириб бериш тартиби:

1. Лизинг олувчи ўзи танлаган техниканинг русуми, сони ва сотувчиси (ишлаб чиқарувчиси)ни кўрсатган ҳолда буюртма хати билан мурожаат қилади ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахснинг давлат статистика органидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги Гувоҳномаси нусхаси;
- охириги ҳисобот санасига ҳудудий солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси нусхаси (балансдаги 2-шакл, бюджетга тўловлар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома билан бирга);
- лизингнинг бутун муддати учун лизинг тўловларининг қопланиши прогнозини кўрсатувчи “Бизнес-режа”;
- учинчи шахс кафиллиги ёки гаров шартномаси;
- лизингни бутун муддати учун суғурта полиси.

2. Лизинг олувчи тақдим этган ҳужжатлар асосида унинг тўлов қобилияти Компания филиалидаги эксперт ходим томонидан ўрганилади ва

Экспертнинг ижобий ёки салбий хулосаси чиқарилиб Эксперт кенгашига тақдим этилади.

3. Эксперт кенгаши “Бизнес режа” лойиҳасининг самарадорлиги бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ва эксперт хулосасини кўриб чиққан ҳолда лизинг олувчининг тўлов қобилиятини яна бир бор ўрганиб чиқади ҳамда очиқ овоз бериш йўли билан тегишлича Йиғилиш қарорини қабул қилади.

Қабул қилинган қарор мазмуни тўғрисида 5 кунлик муддат ичида лизинг олувчига хабар берилади.

4. Эксперт кенгашининг техникани лизингга беришни рад этиш тўғрисида қарори қабул қилинган тақдирда, бу ҳақда лизинг олувчига сабаби кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

5. Эксперт кенгашининг ижобий қарори қабул қилинган тақдирда, лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасида лизинг шартномаси тузилади.

6. Лизинг олувчи лизинг объекти (трактор)ни суғурталайди ва суғурта полисини лизинг берувчига тақдим этади.

7. Агар, лизинг шартномасига асосан лизинг олувчи учинчи шахс кафиллиги ёки гаровга мол-мулкни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган бўлса, у ҳолда, кафиллик ёки гаров шартномасини лизинг берувчига тақдим этади.

8. Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган аванс тўловлари суммасини лизинг берувчига тўлаб беради.

9. Лизинг берувчи томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқни техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг қарз сифатида лизинг лойиҳасига жалб этилади.

10. Олди-сотди шартномаси ва лизинг шартномасида назарда тутилган муддатларда, техника Лизинг олувчига Сотувчи ҳудудида лизингга расмийлаштирилади. Лизинг олувчи техникани ўз маблағи ҳисобидан ва ўзи ёллаган транспорт ёрдамида олиб кетади.

11. Лизинг объекти (агар, у трактор бўлса) Лизинг берувчи томонидан “Давтехназорат”нинг Тошкент шаҳар бўлинмасидан давлат рўйхатидан

ўтказилади ва ягона номер белгиси ва техник паспорт олиниб лизинг олувчига топширилади.

12. Лизинг олувчи лизингга олинган тракторни “Давтехназорат”нинг ҳудудий туман бўлинмасидан рўйхатдан ўтказиб, уни бошқариш учун техник талон олади.

13. Лизинг олувчи лизингга олинган тракторга кафолатли таъмирлаш хизмати кўрсатилиши учун уни “Тошкент трактор заводи” ОАЖнинг ва “ЎзКейссервис” қўшма корхонасининг ҳудудий Техник марказларига рўйхатга қўяди.

14. Лизинг олувчи лизинг шартномасида белгиланган муддатларда ва миқдорларда лизинг тўловини амалга оширади.

15. Лизинг берувчи ва “Бошдавтехназорат” инспекциясининг ҳудудий бўлинмаси вакиллари Лизинг олувчининг техникадан қандай шароитларда ва мақсадли фойдаланилаётганлигини таҳлил этиш учун техник мониторинг ўтказади.

16. Лизинг олувчи барча лизинг тўловларини, шунингдек, лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича қилган харажатларини тўлиқ тўлаб берган тақдирда, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи Лизинг олувчига ўтади ва бу тўғрисида томонлар ўртасида “Далолатнома” расмийлаштирилади.

Фермер хўжаликлари томонидан олинадиган техникалар ва лизинг компаниялар тўғрисида маълумотларни www.agrowebcee.net/awuz сайтни техника ва технологиялар бўлимидан олиш мумкин.

3.3. Фермер хўжаликларини диверсификациялаш жараёнида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги.

Қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши тармоқда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш воситалари оқилона тарзда такрор ишлаб чиқарилишини талаб этади. Бу жараён ишлаб чиқариш воситаларини сотиб

олиш, қайта таъмирлаш, қуриш, инновацион, инвестицион ҳамда ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан ташкил топади.

Инвестицияларни мақсади, вазифалари, манбалари ҳамда йўналишларини эътиборга олган ҳолда қуйидаги 1-чизмадагидек туркумлаштириш мумкин.

Барча инвестициялар (капитал қўйилмалар) қуйидаги йирик иккита манбадан шакллантирилиб, амалга оширилади:

- корхонанинг ўз маблағларидан;
- четдан жалб килинган маблағлардан.

Корхонанинг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- корхонанинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
- амортизация фондидаги маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
- уларни ижарага беришдан тушган маблағлар;
- қишлоқ хўжалик корхоналари қимматли қоғозлар чиқариб сотиш, бошқаларникини сотиб олиш натижасида олинаётган дивидентлардан ажратилаётган маблағлар.

Юқори рентабелли корхоналар ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш мақсадида капитал қўйилмаларни амалга оширишда кўпроқ имкониятга эга бўлади.

Инвестицияларнинг мақсади, вазифаси, манбалари ва йўналишлари бўйича туркумлаштирилиши

1-чизма



Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари учун капитал қўйилмалар манбаи чорва хайвонларини сотишдан тушган маблағлар, Устав фондини кўпайтириш учун қилинган ажратмалар ҳам ҳисобланади.

Четдан жалб қилинган маблағлар эса:

- қишлоқ хўжалиги учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;

- турли хил карзлар, шу жумладан, тижорат банкларидан олинадиган кредитлар;
- хўжалик аъзоларининг бўш ётган маблағларини жалб этиш;
- хорижий, давлат корхоналари ҳамда шахсий корхоналар ва фукароларнинг маблағлари;
- хайрия фондларидан, хомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Четдан жалб қилинган маблағлар орасида банк кредитлари алоҳида урин тутади. Улар ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидан катъий назар, алоҳида корхоналар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмаларни амалга оширишга имкон беради. Банк кредитлари корхона ўз маблағларининг капитал қўйилма учун керакли микдорини йиғмасдан туриб инвестиция жараёнини тезлаштиради. Кредитлар капитал қўйилма манбаи сифатида нафақат капитал қурилишда, балки янги техникани жорий қилишда ҳам ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатлари тезлаштирилишини таъминлашдир.

Капитал – корхона молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, инвестиция қилишда корхона ўз маблағларидан имкони борича фойдаланиши иккита устунликка олиб келади: корхонада ташқи тўловлар мавжуд бўлмайди (олинган кредитлар бўйича фоиз, акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва хоказо), шунингдек, корхонани бошқаришда мустаҳкам позицияни шакллантиради.

Айни пайтда хўжаликларга четдан жалб қилинадиган маблағларнинг манбаларидан бири хўжалик аъзоларининг вақтинча бўш ётган маблағларини жалб этиш ҳисобланади. Бундай инвестицияни амалга ошириш учун корхона ўз ичида қисқа муддатли облигацияларни, векселларни чиқариб, уларни

аъзоларига ишончли тарзда тарқатиши (сотиши) ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган ишончли далолатномаларни ҳам бериши мумкин. Хўжалик аъзолари эса муомалага берилган маблағларини маълум муддат ўтгандан сўнг белгиланган фоизи билан қайтариб олиш имкониятига эга бўладилар. Бу турдаги капитал қўйиш қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ҳозирги даврда яхши самара бермайди. Чунки хўжаликларда ҳозирча қимматли қўғозларни чиқариш имкониятлари чекланган, келажакда шу масалаларга алоҳида эътибор бериш керак.

Четдан жалб этилаётган инвестициялар чет давлатларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- республика қишлоқ хўжалигидаги юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг Устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;
- тармоқда чет эллик инвесторгарга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банк, суғурта ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;
- мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қўғозларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз маблағларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, фирма номлари ва ноу-хауларга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш ва бошқалар.

Уларни чет давлатлар ёки бу давлатларнинг қуйидаги ҳудудий органлари амалга оширадилар:

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, ширкатлар, уюшма ва ташкилотлар;
- чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар ва бошқалар.

Ҳозирги даврда мамлакат қишлоқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банкнинг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш орқали муайян даражада хисса қўшиш ишлари билан шуғулланмокда. Лекин уларнинг инвестициялари талабни қондирадиган даражада эмас. Шунинг учун бу масалага, яъни чет эл инвестицияларини жалб этиш муаммосига келажакда алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвесторлари инвестициялари Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 й) қонуни талаблари асосида амалга оширилади.

Ҳамон қишлоқ хўжалигига инвестициялар кам сарфланишига қарамай, уларнинг салмоғи табора камайиб бормокда. Бу ўз навбатида тармокда кўпроқ микдорда янги ерларни ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация ишларини ривожлантириш, янги техника ҳамда технологияларни жорий

етиш имкониятларини чеклаб қўяди. Бундай ҳолни олдини олиш учун тармоқдаги мулкчилик муносабатларини ривожлантиришни, айниқса, хусусий мулкчиликни ҳамда инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар.

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод” фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш иқтисодий самарадорлигининг асосий яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабелликни оптимал даражага кўтаришнинг асосий омилларидан бири бу фермер хўжалигини истиқболдаги режалаштиришдир. Истиқболни режалаштиришда биринчи ғалда ишлаб чиқариш учун энг керак бўлган муқобил бизнес режа лойиҳасини тузишдир. Биз ушбу мавзунини ўрганиш жараёнида амин бўлдики пухта ишлаб чиқилган бизнес режа корхонанинг иқтисодий самарадорлигини оширувчи асосий омиллардан бири экан, шулардан келиб чиқиб ҳамда ўрганган маълумотларимиз ва уларни таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Фермер хўжалигини барқарор ривожланишини таминланиши уни иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кутарилишини тақоза этади. Сабаби фермер хўжалиги кенгайтирилган ишлаб чиқаришни белгиланган суратларда амалга ошира олиши учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиши лозим. Фермер хўжалиги эса бундай молиявий имкониятларга фақатгина иқтисодий самарадорликни оптимал даражага кўтариш асосиддагина эришиши мумкин бўлади.
2. Фермер хўжалиги фаолиятини молиявий таъминотида муқобил бизнес режарни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш.
3. Фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп қиррали мураккаб иқтисодий атама бўлиб, унга эришишда асосий воситалар талаб қилинади. Асосий воситаларни сотиб олишда лизинг муносабатларидан фойдаланиш.

4. Фермер хўжалиги оптимал самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида интенсив омиллардан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш лозим. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг моддий асосини ташкил этади. Интенсив ривожлантиришнинг барча омиллари уни асосида таркиб топиши ва ривожланиши лозим. Шундагина интенсив усулда ривожлантиришнинг эришилган иқтисодий самарадорлиги талаб даражасида бўлади.

5. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиши катта миқдордаги молиявий маблағларни йўналтиришни талаб этади. Бу соҳада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш чоратadbирларини амалга ошириш талаб этилади. Бу жараён фермер хўжалигини нафақат молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди балки ишлаб чиқаришни хорижий техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш имкониятини беради.

Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод баҳори” фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтаришнинг куйидаги йуналишларига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Фермер хўжалигини иновацион асосда модернизациялаш оркали ишлаб чиқаришни барқарор ривожланишини таъминлаш.
- Фермер хўжалигини диверсификациялаш асосида уни кўп тармоқли, бақувват қишлоқ хўжалиги қархонасига айлантириш.
- Фермер хўжалигида интенсив омиллардан самарали фойдаланиш асосида маҳсулот рақобатдошлигини оширилишини таъминлаш.
- Фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатдошлигини оширилиши асосида уни рақобатдошлигини таъминлаш. Яъни маҳсулоти

рақобатбардош бўлган фермер хўжалигининг ўзи ҳам рақобатдош бўлади.

- Ҳар бир фермер хўжалиги бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича бизнес-режалар ишлаб чиқиши ва мониторинг юритилиши керак;
- Фермер хўжаликлари томонидан тайёрлов ташкилотларига сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш мониторингини ўрнатиш зарур;
- Банкларда имтиёзли кредитлар бериш бўйича мавжуд низом ва тартибларни фермер хўжаликларига етиб боришини таъминлаш;
- Фермер хўжаликларининг бухгалтерлари учун молия ва кредитлаш масалалари бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш лозим.

Фермер хўжалиги фаолиятида шартнома муносабатларини янада такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Чунки, маҳсулот етиштиришда шартномаларни сифатли тузилиши ва самарали амал қилиши фермер хўжаликлари билан таъминотчи ташкилотлар, маҳсулотни қайта ишловчи ташкилотлар ва бошқа истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни бошқаришда катта самара беради. Шунинг учун ҳам фермерларни шартномавий муносабатлар борасидаги билим ва кўникмаларини янада ошириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни муваффақиятли амалга ошириш фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш учун замин яратади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1.Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон-1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонуни. Тошкент. Ўзбекистон-1998 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. Т. 1999 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг давлат Ер кадастри тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. Тошкент. 1999 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг формонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислоҳотларни чуқўрлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сузи 2003 йил 25 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашга таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ФП-4058 сонли Фармойиши. Халқ сузи 2008 йил 29 декабр
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3782 сонли Фармойиши. Халқ сузи 2009 йил 23 ноябр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва

улар фаолиятини назорат қилишни ташқил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сузи, 2011 йил 5 май.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташқил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4478-сонли Фармони. Халқ сузи. 23.10.2012 й
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарори. Халқ сузи. 05. 09. 2003 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 апрелдаги « Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 106- сонли қарори. Халқ сузи.12.04. 2012 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. И.А.Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

- Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 17 январь 2015 йил №-11.
2. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сузи 13.02.2009 йил.
 3. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамиятини барпо этиш-устивор йўналишдир». Халқ сузи 28.01.2010 й.
 4. И.А.Каримов. **«Асосий вазифамиз–Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»**. Халқ сузи 30.01.2010 й.
 5. И.А.Каримов. БМТ саммитининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи Халқ сузи 21.09.2010 й.
 6. И.А.Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепсияси». Халқ сузи 13.11.2010 й.
 7. И.А.Каримов. «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусидаги **маърузаси**. Халқ сузи. 22.01.2011 йил.
 8. И.А.Каримов. «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» Халқ сузи. 20.01.2012 й
 9. И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сузи. 18.01.2013 й.
 10. *И.А. Каримов* “2014 йил юкори ўсиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” . Халқ сузи. 19. 01. 2014 йил.
 11. И.А.Каримов. «Дехқончилик тараққиёти фаровонлик манбаи». Тошкент. Ўзбекистон 1991 йил
 12. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил

13. И.А.Каримов. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
14. И.А.Каримов «Иқтисодий ислоҳат маъсулиятли босқич» Т.Ўзбекистон 2003 йил
15. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
16. И.А.Каримов. «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз»Т.Ўзбекистон 1996 йил
17. И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафқўра» Т.Ўзбекистон 1996 йил
18. И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Тошкент. Ўзбекистон. Тошкент – 2000 й.
19. И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил.
20. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент «Ўзбекистон» 2009 йил.
21. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009 й.

4. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. Пахта хом ашёсининг 76-03-04-2011- сонли харид нархлари нархномаси. Тошкент- 2011 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом. Тошкент. 2005 йил.

5. Асосий адабиётлар.

1. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.1-нашри(дарслик). Тошкент, 2004 йил.

2. А.Исмоилов, О.Мўртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002 йил.
3. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т. 2004 йил.
4. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехкон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Т. 2004 йил.
5. Н. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
6. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ҷаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т. «Иқтисодиёт». 2009 й.
7. М.Н.Махмудов, З.А.Жумаев, С.А.Сатторов. И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2012 йил.
8. М.Комилов, У. Гофуров, М.Амонбоев И.А.Каримовнинг «Мустақиллик – Барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2013 йил

6. Кўшимча адабиётлар.

1. С.Хушматов ва бошқалар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бизнес бошқариш ва фаолият юритишнинг иқтисодий асослари. Тошкент-2010 й.
2. Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил
3. З.Ю.Хошимов «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.

7.Даврий нашрлар, статистик тупламлар ва ҳисобатлар.

1. Ж.Хайдаров. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштириш тизимини такомиллаштириш. Агроилм журнали. 2010 й. 3-сон
2. А.Абдуллаев ва бошқалар. «Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари». Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2007 йил
3. А.Бабаджанов. Қишлоқ хўжалигида инновацион лойихаларни жорий қилишнинг ноанъанавий усуллари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
4. А.Собиров Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.
5. Ғ.Дўстмуродов. Аграр соҳада тадбиркорлик самарадорлигини ошириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №6. 2012 йил.
6. Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири. Агроилм. 1(21) сон, 2012 йил.
7. Б.Қўшақов. Фермерлик-мустақиллик берган неъмат. Агробизнес журнали. 7-сон, 2012 й.
8. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантиришда кичик бизнес хусусий тадбиркорликни тўтган ўрни ва аҳамияти Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари.2013 й
9. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон фермерлари кенгашини ташқил этилиши аграр ислохатларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидир Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари. 2013 й
- 10.А.Абдуллаев, О.Шерматов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини ошириш омиллари. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ

- хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари.
Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти. 2013 й
11. Ф.Муминова Иқтисодийни модернизациялаш жароёнида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги нисбатнинг ўзгариши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
 12. Т.Ризаев. Сув истемолчилари уюшмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш муаммолари ва ечимлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.
 13. Мирзаев.К. Агросервис хизматлар бозори. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 3. 2013 йил.
 14. Фармонов Ж. Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантиришнинг янги имкониятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4.2013 йил.
 15. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
 16. Экономика Ўзбекистона. Информационно- аналитический бюллетень за 2012 год. Ташкент- 2013.
 17. Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермерлар кенгашининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.
 18. Қўрғонтепа туманидаги “Маъмуробод бахори” фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.

8. Интернет сайтлари.

1. www.tsue.uz.- Тошкент Давлат Иқтисодий Университети
2. www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.

3. [.www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
4. www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.